

**«КЎЧАТ ҚАРОВСИЗ
ҚОЛМАЙДИ,
АГАР ЭГАСИ
БЎЛСА...»**



**«ҲАР БИР
МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ
БОЗОРИ БЎЛСА...»**



**«ЁШ ҚАЙНОТА-
ҚАЙНОНИ
ЎҚИТМАСАК,
АЖРАЛИШЛАР
КАМАЙМАЙДИ»**



**ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР
ТАЙИНЛАШДА ИНСОН 3
ОМИЛИГА ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ**

**«БИНО ЙЎҚ, ИЖАРАДА
ИШЛАШГА МАЖБУР
БЎЛЯПМИЗ»**

12

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ГАЗЕТА

#46 (2132) | ШАНБА, 18 НОЯБРЬ 2023 ЙИЛ

WWW.UZMAHALLA.UZ



**«ҲАР БИР МАҲАЛЛАГА
БАРҚАРОР ИЖТИМОЙ КАЙФИЯТ
КИРИБ БОРИШИ КЕРАК»**

2

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ!

**ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МИНБАРИ,
ОШКОРА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ БЎЛГАН «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ ВА
«МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИГА 2024 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БЎЛИНГ!**

**ҲАР ИККАЛА НАШРНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ:
«МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИ — 600 000 СЎМ; «МАНАЛЛА КО'ЗГУСИ» ЖУРНАЛИ — 400 000 СЎМ.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 71 233 39 89, 71 233 10 92, 97 146 02 07**

ТАШРИФ

«Ҳар бир маҳаллага барқарор ижтимоий кайфият кириб бориши керак»

Маҳаллалардаги ободлик, кўркемлик, қулай шарт-шароит ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун, аввало, ташаббус ва маблағ зарур. Бугун Президент Шавкат Мирзиёев ўзгариш ва ислохотларнинг ҳар бир маҳаллага кириб боришини истайди. Бу ўринда истаннинг ўзи камлик қилади, бунинг учун етарли маблағ керак. Эътиборлиси, давлат раҳбари бюджетдан ажратиладиган маблағни маҳалла даражасида тақсимлашга эришиди. Мутасаддиларни мана шундай вертикал ишлашга ўргатди. Натижаси бугун оиламизда, ҳовлимизда, кўчамизда, маҳалламизда сезиляпти.



Куни кеча Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида маҳалламизда бўлиб, бу ердаги шароитлар билан танишди. Йиғинда 7 600 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Тўртта корхона, йигирмадан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида шу ерлик ёшлар доимий иш билан банд. Маҳалла аҳли, асосан, боғдорчилик, чорвачилик ва сабзавотчилик билан шуғулланади. Ўттиздан ортиқ деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда.

Мулоқотларда маҳалла «драйвери»дан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигини илмий ёндашув асосида ривожлантириш, боғ, тоғ ёнбағри ва дала четларини хатловдан ўтказиб, экинлар учун қўшимча имкониятларни ўрганиш зарурлиги қайд этилди. Айтиш керакки, ҳудуд иқлими эрта ҳосил олиш имконини бериши ҳисобга олиниб, маҳалладаги фермер хўжаликлари, боғларда дарахт қатори ораларига эртаки

экинлар экилади. Бу имкониятдан ёшлар бандлигини таъминлашда фойдаланиб, яқинда 20 гектар тоқзор ораси «тўқсонбости» экинларини экиш учун 70 нафар йигит-қизнинг ҳар бирига 20 сотихдан бўлиб берилди.

Маҳаллада ижтимоий масалалар манзилли ҳал этилмоқда. Йўллар таъмирланган. Куз-қиш мавсуми олдидан трансформаторлар янгиланди, қўшимча сим-ёғочлар ўрнатилди. Мактаб ва мактабгача таълим муассасасида зарур шароитлар яратилган. Яқинда маҳалла ҳудудидида кичик тиббиёт пункти ташкил этилди. Президентимиз ташриф чоғида ундаги шароитларни кўздан кечирди.

Айтиш керакки, маҳалладаги тиббиётга муҳтож аҳоли илгари 27 километр узоқликдаги шифохонга боришга мажбур эди. Энди уларнинг узоғи яқин бўлди. Бу ерда болаларни эмлаш, сурункали беморларни соғломлаштириш ва уларнинг назора-

тини олиб бориш йўлга қўйилган. Асосан профилактик кўрик ва патронаж хизмати билан шуғулланадиган ушбу муассасада бир нафардан шифокор ва доя, икки нафар ҳамшира фаолият олиб боради.

Президент соҳа вакиллари билан суҳбатлашар экан, аҳолини касаллик бўйича хавф гуруҳига ажратган ҳолда, манзилли даволаш ва соғлигини назорат қилиш муҳимлигини қайд этди. Масалан, маҳалладаги тиббиёт ходимлари уларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолини кузатиб бориши керак. Ҳар бир маҳаллада фитобарлар, дорихоналарда фитобурчаклар ташкил қилиш, халқ табobati бўйича қисқа курслар ўтказиш, уй шароитида қилинадиган машқлар дастури ва соғлом овқатланиш менюсини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ри-



вазифа бўлиши лозим», – деди Президент.

Вилоятнинг туризм салоҳияти анча юқори, бу ерда 600 дан зиёд маданий мерос ва туризм объектлари бор. Улардан самарали фойдаланиш бўйича мақсадлар белгиланди. Хусусан, бу йили Далварзинтепа ёдгорлигида очик осмон музейини ташкил қилиш бўйича ишлар бошланди. Кейинчалик Бойсунда дунёдаги энг чуқур ғорлардан бири бўлган «Бойбулоқ», неандертал одам қолдиги топилган «Тешиктош» ва «Мачай» ғорлари, эллин маданияти ёдгорлиги бўлмиш Узундара қалъасида бундай музей ташкил этилади. «Самарқанд – Китоб – Денов – Олтинсой – Термиз» маршрути бўйлаб «Нақшбандия пирлари» туризм ҳалқаси очилади.

Биз учун яна бир қувончли хабар – йил якунига қадар Сариосиё аэропортида фуқаро авиацияси фаолияти тикланади, келгуси йилдан Сариосиёдан Самарқанд ва Тошкентга мунтазам рейслар йўлга қўйилади. Шунингдек, «Сариосиё – Тошкент» йўналишида поезд қатнови ҳаракатланади. Бу билан одамларнинг узоғи янада яқин бўлиб, ислохотлардан розилиги ортади.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёев ташриф давомида одамларнинг даромади ортиб, саломатлиги мустаҳкамланиши, маҳаллалар обод масканга айланиши лозимлигига урғу қаратди. Ҳар бир хонадон, маҳалла ва таълим даргоҳига барқарор ижтимоий кайфият, келажакка ишонч, касб, тил эгаллаш, энг муҳими, меҳнат орқали яхши ҳаётга интилиш муҳити кириб бориши кераклигини таъкидлади.

**Авазмурод АВАЗОВ,
Сариосиё туманидаги «Себзор»
маҳалласи раиси.**

МАНЗАРА

«Ҳуқуқбузар шу ҳудуддан бўлмаса-да ҳисобимизга ёзилади»

Маҳалламиз Термиз шаҳрининг Афғонистон билан чегара олди ҳудудидида жойлашган бешта маҳаллаларидан бири, 150,2 гектардан иборат маҳаллада 4 750 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Асосий «драйвер» – иссиқхоначилик ва чорвачилик. Қолаверса, тадбиркорлик, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган.



Эҳтимол, республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги юртдошларимиз Афғонистон билан чегарадаги маҳаллаларда истиқомат қилиш биров хавотирли туюлар. Аммо «Саховат» йиғинига ташриф буюрган ҳар бир инсон дарҳол бу ердаги осойишталикни сезмасдан қолмайди. Афғонистон билан боғлиқ ҳеч

қандай хавотирлар йўқ, маҳалла аҳли ўзини бутунлай хавфсиз ҳис қилади.

Бу ўринда маҳаллада «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили тўла жорий этилгани самара бермоқда. Бунда илмий ёндашувлар асосида иш йўлга қўйилган. Хусусан, вазиятни хонадонлар кесимида ўрганиш,

биринчи навбатда, ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабр кўриш эҳтимоли юқори бўлган фуқароларни аниқлаб, уларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини маҳалла «еттилиги» имкониятларидан фойдаланган ҳолда ҳал этишга эътибор қаратилди.

Маҳалла шаҳар ҳудудидида жойлашгани боис ҳуқуқбузарликлар содир этиш эҳтимоли юқори, албатта. Боиси у ерга бошқа туманлар, маҳаллалардан савдо, тадбиркорлик, даволаниш учун одамлар кўп келади. Афсуски, улар ўртасидаги айрим келишмовчиликлар, жиноятлар бизнинг маҳалла ҳисобига ёзилади. Бу ўринда, асосан, фирибгарлик ҳолатлари кўп учрайди. Бундай тоифадаги шахслар билан тизимли профилактик ишлар йўлга қўйилиши натижасида маҳалла «қизил» тоифадан «сарик» тоифага ўтказилди.

Бандликни таъминлаш, эҳтиёмандларга кўмак кўрсатиш борасида сўз кетганда, ҳоким ёрдамчиси

Хушбоқ Абдуллаев кўмағида жорий йилнинг шу даврига қадар 147 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. 192 нафари доимий ишга, 36 нафари мавсумий ишларга жойлаштирилди. 55 нафар фуқарога 950,8 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. 33 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, уларда 59 та янги иш ўрни яратилди.

Умуман олганда, бугунги кунда маҳалламизда тинчлик ва осойишталик тўла таъминланган. Мавжуд муаммоларни «еттилик» ҳамжиҳатликда ҳал этиб бораётишимиз. Маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энг муҳими, маҳалла ташаббусларини аҳоли қўллаб-қувватлаб, дахлдорлик туйғуси билан яшамоқда.

**Жўражон МАХМАТМУРОДОВ,
Термиз шаҳридаги
«Саховат» маҳалласи раиси.**

МОҲИАТ

Ижтимоий нафақалар тайинлашда инсон омилига чек қўйилади



Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 ноябрдаги «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Хужжат билан болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш тартибига қатор ўзгартиришлар киритилди. **Хўш, бу ҳақда нималарни билиш зарур?**

БИРИНЧИДАН, аризалар электрон шаклда қабул қилинади.

2024 йил апрелдан бошлаб, фуқаролар ортиқча овозгарчиликсиз онлайн шаклда болалар нафақаси ва моддий ёрдамга ариза топширишлари мумкин. Бунда уларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали аризаларни юбориш имконияти яратилади. Худди шундай, «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларининг ижтимоий ходимларига фуқароларнинг бевосита розилиги билан «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» АТ орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза бериш ҳуқуқи берилади.

Амалдаги тартиб бўйича фуқаролар нафақаларни олиш учун маҳалла фуқаролар йиғинларида ариза билан мурожаат қилишлари лозим. Маҳалла ходимлари аризаларни туман (шаҳар) Пенсия жамғармаси бўлинмаларига топширади. Янги тартиб билан бундай овозгарчиликларга ҳожат қолмайди, исталган фуқаро онлайн ариза топшириши мумкин.

ИККИНЧИДАН, оила ҳолати яхшиланса, нафақа тўхтатилади.

2023 йил декабрь ойидан бошлаб, болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлангандан сўнг ахборот тизими ёрдамида ҳар ойда оиланинг иқтисодий ҳолати автоматик равишда мониторинг қилинади ҳамда оиланинг иқтисодий ҳолати яхшиланган (иккинчи кўчмас мулк ёки нотурар жой, янги автотранспорт харид қилган ёки юқори иш ҳақи олишни бошлаган) бўлса, нафақа тўлови тўхтатилади.

Амалдаги тартибга кўра, нафақа тайинлангандан кейин оила томонидан автотранспорт воситаси ёки даромад келтирувчи мол-мулк харид қилиниши ёки оиланинг даромадлари ошган ҳолатларда 12 ойгача болалар нафақаси тўлаб берилади. Яъни оиланинг иқтисодий аҳволи ўзгаргандан кейин ушбу оиланинг мезонларга мослиги тайинлаш давомида қайта кўрилади. Янги тартиб ўзига тўқ оилаларнинг тизимга кириб қолишига йўл қўймайди.

УЧИНЧИДАН, ишсиз фуқаро таклиф қилинган ишни қабул қилмаса, нафақа тўланмайди.

Меҳнат органларига мурожаат қилгани сабабли расмий бандлик талаб этилмасдан болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланганда ишсиз фуқаро 3 ой давомида касбга тайёрлаш, малака ошириш, қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқимаса, марказда иш изловчи ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинмаса, ишга жойлашмаса, яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ва ўзини ўзи банд қилган фуқаролар рўйхатига кирмаса ёки ишга доир таклифларни мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ мартаба) рад қилган бўлса, кейинги ойдан болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўлови тўхтатилади.

Амалдаги тартибга кўра, бандлик органларига маслаҳат учунгина мурожаат қилган фуқароларда ижтимоий нафақа олиш ҳуқуқи пайдо бўлмоқда. Бундай тартиб ишсизларнинг бандлигини таъминлашда самарасиз бўлиб, фуқаролар бундан фақат нафақа олиш учун фойдаланяпти. Энди бунга йўл қўйилмайди.

ТўРТИНЧИДАН, машина янги бўлса, нафақа берилмайди.

Эғалигида ишлаб чиқарилган муддати 12 йилдан ошмаган енгил автотранспорт воситаси мавжуд оилаларга болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади. Бунда оилада I ёки II гуруҳ ва 18 ёшгача болалиқдан

ногиронлиги бўлган шахс бўлса, енгил автомашина ишлаб чиқарилган муддат 7 йилдан ошган оилага нафақа тайинлашни рад этмаслик тартиби сақлаб қолинади.

Амалдаги тартибга кўра, эғалигида ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошмаган енгил автотранспорт воситаси (ёки 15 йилдан ошмаган юк автотранспорти) бўлган оилаларга нафақа тайинлаш рад этилади. Ҳар ойда ишлаб чиқарилганига 7 йилдан 12 йилгача бўлган енгил автомашинаси бор 6,5 минг оилага нафақа тайинланмоқда. Уларнинг ичидан 2008 йилдан кейин ишлаб чиқарилган Малибу, Орландо, Каптив, Ласетти ва бошқа русумдаги хорижий автомашина эгалари мавжудлиги аниқланмоқда.

БЕШИНЧИДАН, инсон омили бекор бўлади.

Нафақа тайинлашда оила аъзолари номига расмийлаштирилган томорқа ер ва/ёки деҳқон хўжалигини юритиш билан банд бўлган фақат битта оила аъзоси банд деб автоматик белгиланади. Фуқаронинг чет элда экани ёки «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида банд экани

электрон маълумотлар асосида автоматик аниқланади. Бунда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан белгилаб бериш тартиби бекор қилинади. Рухий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида турган оила аъзоларидан бандлик талаб этмаслик имтиёзи берилмоқда. Расман никоҳи бекор қилинмаган алимент тўлаётган эр (хотин) оила таркибига киритилмаслиги белгиланди.

Амалдаги тартиб бўйича «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури доирасида кредит олган оилалар, хорижда ишлашга кетган шахслар, Кадастр агентлиги ахборот тизимида томорқа ери мавжуд бўлганлар «банд бўлган оилалар» сифатида нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлмоқда. Эндиликда фуқаролар бандлигини белгилашда инсон омили бартараф этилади.

Иккинчи-бешинчи бандларда кўрсатилган ўзгартиришлар 2023 йил 16 ноябрдан бошлаб берилган аризалар учун амал қилади.

ОЛТИНЧИДАН, маҳалла назорати ўрнатилади.

2024 йил 1 мартдан бошлаб «маҳалла еттилиги» болалар нафақаси ёки моддий ёрдам олаётган оиланинг номига расмийлаштирилмаган, бироқ фойдаланувида бўлган автотранспорт воситалари, кўчмас мулклари ҳамда чорва моллари бор-йўқлиги уларнинг аризаларида кўрсатган маълумотларга мувофиқлигини жойига чиққан ҳолда ўрганади. Ўрганиш натижалари ахборот тизимида киритилади ва нафақа тўловини тўхтатиш ёки давом эттириш бўйича автоматик қарор қабул қилиш тизими жорий этилади.

Бунда нафақа тўловларини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинганда, оиланинг кейинги аризаси олти ой давомида кўриб чиқилмайди. Агар фуқаронинг қаршилиги ёки доимий равишда уйда бўлмаслиги натижасида оилавий ҳолатини ўрганиш имкони бўлмаса, бу ҳақдаги далолатнома дастурга киритилиб, нафақа келаси ойдан вақтинча тўхтатилади ва бу ҳақда фуқарога SMS-хабарнома боради.

Бундай тизим Туркия ва Озарбайжонда йўлга қўйилган бўлиб, ҳар ойда оилаларнинг моддий ҳолати электрон ахборот тизимлари орқали текшириб борилади. Натижада кам таъминланганлик мезонларига тўғри келмайдиган оилалар реестрдан чиқарилади.



Юқоридаги ўзгаришлардан кўзланган мақсад – ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг сонини камайтириб, уларга берилаётган моддий ёрдамни қисқартириш эмас, балки давлат томонидан берилаётган нафақаларнинг адолат тамойили билан тақсимланиши ва ушбу тоифага кирмайдиган фуқароларнинг виждонсиз хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган.

Зеро, бугунги кунда баъзи бир ўзига тўқ инсонларнинг бу нафақалардан фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Айримлар нафақа олиш учун мол-мулкни қариндошлари номига расмийлаштириб, ўзини сунъий равишда камбағаллик критериясига олиб келяпти. Жаҳон банкининг тадқиқотига кўра, Ўзбекистонда 2022 йилда ижтимоий ҳимоя

дастурлари доирасида нафақа олганларнинг 5,6 фоизи ўзига тўқ ва 12,5 фоизи ўрта аҳволдаги оилалар экани аниқланган. Шундан келиб чиқиб, 2022 йилда жами нафақа олувчи оилаларнинг 18,1 фоизи кам таъминланган деб топилган, аммо ҳақиқатда ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлмаган оилалар ҳисобланади.

Шунга кўра, юқоридаги қарор нафақаларни тайинлашнинг мезонлари такомиллаштирилиб, боқимандаликнинг олдини олиш ва манзилли ёрдам кўрсатишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Жавоҳир МУРОДОВ,
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бош мутахассиси.



Комилжон
РАЖАБОВ,
Вобкент
туманидаги
«Кулолчи»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla»ни маълумотлар сандигига ўхшатаман»

— Маҳалламиз аҳолисининг тўқсон фоизи кулолчилик билан шуғулланади. Ҳамма меҳнат билан банд, ҳеч кимнинг бўш вақти йўқ. Ўзимиз хонадонларига бориб, хабар олиб тураемиз. Фаолияти ривожига хизмат қиладиган янгилик ва ўзгаришлар бўлса етказамиз.

Раис сифатида фуқароларимиз янада фаровон ҳаёт кечириши учун ҳамиша ҳаракатдаман. Менинг яқин кўмакчим эса «Mahalla» газетаси. Уни маълумотлар сандигига ўхшатаман. Ҳар сафар нима қидирсам, албатта, топаман. Беминнат ёрдамчимга айланб қолган нашримга 2024 йил учун обуна бўлганман.

ТАЖРИБА

«Ҳар ойда ҳашар ўтказиш анъанаси бор»

Маҳалла «драйвери» — деҳқончилик ва чорвачилик. Ҳар бир хонадонда 5-10 тадан катта-кичик чорва моллари боқилади. Гўшт ва сутга ихтисослашган битта чорва фермаси бор.



Аҳолида деҳқончилик борасида яхши тажриба тўпланган. Кўпроқ полиз ва сабзавот маҳсулотлари экилади. Ғалладан бўшаган майдонларда шולי, сабзи, лавлаги етиштиради. Суғоришда муаммо йўқ, бу йил сув яхши бўлди. Қолаверса, икки ёнда «Шовот» ва яна бир кичик канал бор.

Аҳоли тўлиқ ичимлик сув билан таъминланган. Ички кўчаларга тош тўқилди. Энди асфальтлаш ишлари қолди. Жорий йил 150 нафар ишсиз аҳолидан 120 нафари ишли бўлди. 50 нафари ўзини ўзи банд қилди. Аксарияти тикув машина, печь, электр мотоцикл, трактор каби қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш асбоб-ускуналар олиб, нафақат ўзини, балки маҳалладошлари бандлигини таъминламоқда. Масалан, Бобур Салаев пишириқлар тайёрлаш корхонасини очиб, 6 нафар ёшни банд қилди. 14 нафар фуқоранинг уйи шиферланиб, 5 нафарига уй қуриб берилди. Манзур кўчасининг сим-ёғочлари алмаштирилиб, кабель тортилди.

Маҳаллада ҳар ой бир мартаба ҳашар ўтказиш анъанага айланган. Ахир, саранжом-саришталик бор жойга файз-барака ёғилар. Шу куни ҳудуд чиқиндилардан тозаланиб, қуриган ўтлар тўпланиб, теварак-атроф ободонлаштирилади. 15 кунда махсус чиқинди ташиш техникаси келиб, барча чиқиндиларни олиб кетади.

Рўзигул САФОЕВА,

Урганч туманидаги «Киллаву» маҳалласи раиси.

ТАКЛИФ

«Маҳалла еттилиги» интеграция қилинган дастурни яратиш лозим»

Маҳалла «драйвери» — хизмат кўрсатиш, савдо, хунармандчилик. Ҳудудда 6 та савдо дўкони, 2 та тикувчилик ательеси ва 1 та хунарманд, 2 та новвойхона, 3 та хусусий тиббиёт муассасаси, 1 та китоб дўкони ва кутубхона фаолият юритмоқда.

Маҳалла қиёфасини яхшилаш ҳамда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, И.Мўминов, Олимлар, Дўрмон бўйи йўли кўчалари асфальтланиб, 2 750 метр велосипед ҳамда пиёдалар йўлаги, 4 та болалар ўйингоҳи, 3 та воркаут ва 1 та мини футбол стадиони қурилди. 18 та кўп қаватли уйнинг том қисми алмаштирилиб, 12 тасининг балкон қисмлари таъмирланди. 79 та уй олди йўлакларга ўриндиқлар ўрнатилди. Ногиронлар учун пандус йўлаги қурилди. 35 та симёғоч алмаштирилиб, 1 та артезиан кудуқ қазиб, сув чиқарилди. 1500 тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Келгуси режалар:

аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, камбағалликни қисқартиришда ички имкониятлардан фойдаланиб, янги иш ўринлари яратиш ва ишсизлар бандлигини таъминлаш.

Уй бекалари ва бола тарбияси билан банд аёлларнинг қизиқиш



ва йўналишларини аниқлаб, ишли қилишга эришиш. «Яшил макон» лойиҳасини амалга оширишда артезиан кудуқ қазиб, дарахтларни сувсизликдан сақлаб қолишдир.

Таклиф:

маҳаллаларда жорий этилган «маҳалла еттилиги»нинг интеграция қилинган дастурини яратиш орқали коммунал, ижтимоий соҳа, нотариус, солиқ, молия бўлими маълумотларини бир жойдан олиш имкониятини

яратиш зарур.

Фуқароларнинг кўп йиллар давомида сурункали тартибда ечилмай келаётган муаммоларини ечишда суд органлари иштирокида «Сайёр суд» қабулини ташкиллаштириш лозим.

Ойдин ҲАЙДАРОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги
«Олимлар» маҳалласи раиси,
«Дўстлик» ордени соҳибаси.

ВАЗИЯТ

«Ҳар бир муаммони ҳамкорликда ҳал этяпмиз»



Шаҳар марказида жойлашган маҳалла ҳудудида 43 та кўп қаватли уй жойлашган. Барча уйлар куз-қиш мавсумига тайёр. Хонадонларга кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатилиб, коммуникация тизимлари таъмирланган. Шу сабаб аҳоли сервис кўрсатиш компанияси фаолиятдан миннатдор.

«Обод маҳалла» дастури доирасида 2 километр йўл бетон билан қопланиб, 60 та бетон устунлар ўрнатилди. 2 та кўп қаватли уйнинг том қисми тўлиқ таъмирланиб, 18 тасининг ички йўллари бетонлаштирилиб, 54 та тунги ёритқич чироклари,

6 та асосий кўчага кузатув камераси ўрнатилди.

Ҳудудда савдо-сотик, тадбиркорлик ривожланган. Аҳолининг асосий қисми «Ангрен» эркин иқтисодий зонаси, «Ўзбеккумир» АЖ, «Биринчи резинотехника заводи», «ГМ» заводи филиали, керамика каби ўнлаб йирик корхона ва заводларда меҳнат қилади. Ишсизлар деярли йўқ. Жорий йил бошида 85 нафар

ишсиз бўлса, ҳозир 2-3 та қолди. Кредит ва субсидиялар берилмоқда. Бир нафар ёш кредит асосида балиқчилик билан шуғулланиб, 4 та катта ҳовуз ташкил этиб, маҳалладошларини иш билан таъминлаяпти. Яна бир қиз тадбиркорлик корхонасини ташкил этиб, 6 нафар тенгдошини ишли қилди.

«Ташаббусли бюджет» лойиҳасида ғолиб бўлиб, 34-умумтаълим мактабининг спорт майдони таъмирланяпти. Теварак-атрофи ўрналиб, чим ётқизиблиб, футбол, баскетбол, волейбол майдонлари қурилмоқда.

«Маҳалла бешлиги» 2-сектор билан бир жойда, замонавий бинода фаолият юритмоқда. Барча шароитлар мавжуд. Ҳатто, алоҳида ошхонаси бор. Ҳар бир муаммо сектор раҳбари билан ҳамкорликда ҳал этилмоқда.

«Яшил макон» лойиҳаси доирасида маҳалла идораси ёнида 7 сотихли боғ ташкил этилиб, 300 туп мевали ва манзарали, кўп қаватли уйлар атрофига 200 туп дарахт кўчатлари экилди. Яна 400 туп дарахт экиш режалаштирилган.

Хуршида ДУШАЕВА,
Ангрен шаҳридаги
«Боботоғ» маҳалласи раиси.

PS: Шу соҳада 20 йиллик иш тажрибага эга бўлган Хуршида Душаева яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтказилган «Энг яхши маҳалла раиси» танловининг Тошкент вилояти босқичида ғолиб бўлиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

ҲОЛАТ

«Ҳатто «Тез ёрдам» ҳаракатига йўл қолмаяпти...»



Маҳалла кўп қаватли уйлاردан иборат бўлиб, аҳолиси ўрта ҳол қатламдан иборат. Худуд майдони кичик, 8,5 гектар. Ҳатто, болалар ўйингоҳи қуришга жой йўқ. 40 йил олдин қурилган инфраструктура бугунги талабга жавоб бермайди.

Барча коммуникация тизимлари эскирган. Шу боис уларни алмаштириш учун дастурга киритилмоқда. Жорий йил электр симлар алмаштирилиб, ер остидан янги кабеллар ўтказилди. Барча ички кўчаларга бетон қопламалар ётқизилиб, ёмғирли кунларда сув йиғилиб қолиш ҳолатларига чек қўйилди.

Илгари ўнтадан битта хонадонда автомобиль бўлган бўлса, ҳозир ҳар бир оилага иккитадан тўғри келмоқда. Шу сабаб автомобиллар тўхташ жойи катта муаммога айланди. Ҳатто, «Тез тиббий ёрдам» ва ёнғин ўчириш машиналари ҳаракатланишига очиқ йўл қолмаяпти.

Маҳалла аҳолиси белгиланган мезонлар асосида «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га рўйхатга олиниб, йўналишлар бўйича ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, «Темир дафтар»даги беш нафар фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди, яна 12 нафари тавсия этилди. «Аёллар дафтари»га рўйхатга олинган 173 нафар аёлнинг бир нафари монамарказда касбга ўқитилиб, компьютер олиб берилди. Яна бир нафари ўқишга юборилди. Бир нечасига

тикув машиналар берилиши режалаштирилмоқда. «Ёшлар дафтари» рўйхатидаги ногирон ёшларга аравачалар берилиб, моддий ёрдамлар кўрсатилмоқда. 4 нафарнинг контракт пули қопланган бўлса, бир нафарига сафарбарлик ҳарбий хизмат пули тўлаб берилди.

Белгиланган тартиб-мезонларга тўғри келмай юқоридаги дафтарларга киритилмаган 111 нафар фуқаро учун «маҳалла бешлиги» ва фуқаролар ташаббуси билан алоҳида рўйхат шакллантирилди. Саховатпеша инсонлар ва ҳомийлардан келган ёрдамлар биринчи навбатда мана шу рўйхатдаги инсонларга берилади. Яқинда 2 нафар фуқарога 1,5 ва 2 миллион сўмдан ёрдам кўрсатилди.

«Гуруч курмакисиз бўлмайди», деганларидек тушунтиришларга қарамай, турли дафтарларга рўйхатга киритилмаган, моддий ёрдамлар кўрсатилишида аҳоли ўртасида норозилик кайфияти сақланиб қолаётганлиги. Ҳар бир маҳаллада «Назорат гуруҳи» ташкил этилгач, кўп масалалар ҳал этилмоқда. Маҳалладаги «Назорат гуруҳи»га 14 нафар фаоллар киритилган бўлиб, дастлабки йиғилиши ўтказилди. Аҳолининг эътирозига сабаб бўлган масалалар атрофича тушунтириб берилди.

Шоҳиста МАСУМОВА,
Яшнобод туманидаги
«Ватандош» маҳалласи раиси.

18 ёшга тўлмаган шахсларга дастлабки синов белгиланмайди

БИЛАСИЗМИ?

Конунчиликка кўра, куйидагилар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди:

– ҳомиладор аёл, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёл ёки 3 ёшга тўлмаган болани ёлғиз ўзи тарбиялаётган ота (васий);

– захирага қўйиладиган иш ўринларига ишга жойлаштириш учун юборилган аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларидан бўлган шахслар;

– давлат грантлари асосида ўқиган ва олий таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан 3 ой ичида йўлланма бўйича олинган мутахассислигига доир ишга қираётган олий таълим ташкилотларининг битирувчилари;

– тегишли таълим ташкилотини тамомлаган кундан эътиборан 1 йил ичида биринчи бор ишга қираётганда олинган мутахассислиги бўйича мус-

тақил равишда ишга жойлашаётган умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларининг битирувчилари;

– ўзи билан 6 ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилаётган ходимлар;

– 18 ёшга тўлмаган шахслар;
– ишга қайтадан қабул қилинган тақдирда иш берувчи илгари қайси ходимлар билан меҳнат шартномасини

алоҳида асослар бўйича бекор қилган бўлса, уша шахслар;

– ишлаб чиқаришда ўқитиш шартномаси бўйича ушбу иш берувчида ўқишни ўтаган ўқувчилар;

– жамоа келишувларида, шунингдек жамоа шартномасида ва иш берувчининг ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ходимлар.

Манзура ХИДИРОВА.

МУАММО

«Ички кўчаларни асфальтлаш зарур»

Маҳалла туман марказида жойлашгани сабаб, аҳолининг Максарияти давлат ташкилотлари, турли ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат қилади. Иккита тикувчилик цехда 300 нафар хотин-қизлар ишлайди. Уларда болалар кийимлари ва махсус иш либослари тикилиб, экспорт қилинади.



Худудда 16 та икки қаватли уйлар бўлиб, барчаси коммуникация тизимлари билан яхши таъминланган. Кўп қаватли уйлар оралиғида пиёдалар йўлакчаси ва битта болалар ўйингоҳи қурилмоқда. 180 ўринли 15-сон давлат боғчаси фойдаланишга топширилди. «Яшил макон» лойиҳаси доирасида

кўп қаватли уйлар атрофига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Биргина муаммо, Оҳанграбо, Толариқ, Севинч кўчаларни асфальтлаш зарур.

Роза МИНГБОЕВА,
Юқори Чирчиқ туманидаги
«Иттифоқ» маҳалласи раиси.

НАМУНА

«Сув танқислиги сабаб, балиқчилик ривожлантирилмоқда»

Туман марказидан 15 километр олинган жойлашган маҳалла Туркменистон Республикаси билан чегарадош. Илгари бу худудларда катта Қўриқтом қишлоғи бўлган. Кейинчалик қишлоқ таркибидан 4 та маҳалла ажралиб чиққан. Улардан бири «Янгиер» маҳалласи.

Худудда пахта етиштиришга ихтисослашган 8 та фермер хўжалиги ва битта чорва фермаси бор. Унда насли қорамоллар боқилиб, гўшт ва сут маҳсулотлари тайёрланади. Шунингдек, 50 гектар ер майдонга иссиқхона қурилган. Унда помидор, бодринг, тарвуз етиштирилмоқда. Бу ерда «Янгиер»ликлардан ташқари, кўшни маҳалла ва туманлардан фуқаролар келиб ишлайди. Улар учун 5 та автобус қатнови йўлга қўйилган. Келгусида иссиқхона майдонларини 120 гектарга етказиш режалаштирилган.

Аваллари бу ерларда шочилик хўжаликлари бўлган. Сув танқислиги сабаб шолӣ экилган майдонларда сунъий ва табиий кўллар ташкил этилиб, балиқчилик ривожлантирилмоқда.



Бундан ташқари, худудда мини ёғиш заводи, қассобхона, пайнет хизмати ҳамда бепул соғломлаштириш маркази хизмат кўрсатиб келмоқда.

Маҳалла 2021-2022 йиллар «Обод маҳалла» дастурига киритилиб, 16 та кўча шағаллаштирилди, 1 400 метри асфальтланди. Ёғду кўчасига тунги ёриткич чироқлари ўрнатилиб, қуёш панеллари қўйилди. Барча кўчага тоза ичимлик сув тармоқлари тортилди. Икки қаватли замонавий 23-сон давлат боғчаси қурилди.

Йил бошида «Аёллар дафтари»га 89 нафар аёл рўйхатга

олинган бўлса, ҳозирга қадар 30 нафарига 1 миллион 200 минг сўмдан бир марталик моддий ёрдам кўсатилди. 1 нафар аёлга компенсация пули тўланди. 48 нафарига ўзини ўзи банд қилишга кўмаклашилди.

«Ёшлар дафтари»га киритилган 36 нафарнинг 21 нафарига моддий ёрдам ва контракт пуллари қопланди. Бир қисмига томорқа ерлари берилди. Йил якунигача 15 нафарига ёрдам кўсатилади.

Баҳром ҚУРАНБОЕВ,
Янгиариқ туманидаги
«Янгиер» маҳалласи раиси.

ОБОДЛИК

«Кўчат қаровсиз қолмайди,
агар эгаси бўлса...»

Маҳаллада учта — Янгийўл, Шарк, Буржоқ кўчалари мавжуд бўлиб, 2 020 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўтган йили ҳудудда «Обод кишлоқ» дастури амалга оширилиб, 1 километр йўлга асфальт ётқизилган, 2,3 километр йўл бетонлаштирилиб, 3,2 километр йўлга шағал тўшалган. Қолаверса, электр таъминотини яхшилаш мақсадида 100 зиёд таянч бетон устунлар янгисига алмаштирилиб, 2,7 километр электр узатиш тармоқлари янгиланди.



Дастур доирасида маҳалла тўлик ичимлик сув билан таъминланди, 180 ўринли замонавий уч қаватдан иборат болалар боғчаси, 380 ўринли мактабга қўшимча бино, «Буржоқ» оилавий шифокорлик пункти қуриб берилди. Жорий йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёнларида уларнинг қозонхоналари янгиланди. Юқоридагиларга қўшимча равишда жорий йилда яна 2 километр йўлга шағал ётқизилди, 20 га яқин симёғочлар янгисига алмаштирилди.

Инфратузилма ҳақида сўз кетар экан, «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида маҳалла ахли

ўзаро бирдамлик ва ташаббус кўрсатди. Хусусан, жорий йилги иккинчи мавсумда хайрли ният ва уюшқоқлик билан қилинган ҳаракат ўзини оқлаб, 8 600 тадан кўп овоз йиғиб, 1 миллиард 320 миллион сўм маблағни ютиб олди. Бу маблағ эвазига Янгийўл кўчасидаги 2,8 километрдан зиёд ички йўлга асфальт қопламаси ётқизилиб, обод ҳолга келтирилди.


Шу билан бирга, бандликни таъминлашда маҳалланинг ўрни ошиб борапти. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойида «бешлик» кўмағида 193 нафар фуқаронинг турли соҳаларда

бандлиги таъминланди, 118 нафарига 1 миллиард 900 миллион сўмдан зиёд кредит маблағи олиб берилиб, бизнесини бошлашига кўмаклашилди. Яна 138 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилиб, рўзғорини тебратяпти.

Маълумки, 25 октябрдан 1 декабргача «кузги дарахт экиш мавсуми» эълон қилинди. Бу мавсумда республика бўйича 85 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. «Буржоқ» маҳалласида бу жараёнлар тартибли йўлга қўйилиб, ҳозиргача 200 донга қайрағоч, 200 донга бошқа манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Президент ташаббуси билан ҳар бир маҳаллага бепул кўчат етказиб берилаётгани, кўчат ярмаркалари ташкил этилаётгани ўз самарасини бериб, хонадонлар ташаббусига кўра, уларга 10 тадан терак, тут, ток қаламчалари тарқатилди.

Очиғи, Президент Шавкат Мирзиёев 11 октябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўтган йиллардаги хатоларни такрорламаслик шарт эканига эътибор қаратиб, қатор чораларни белгилаб бергани самарали бўлди. Хусусан, кўчат экишда манфаатдорликни ошириш мақсадида Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари маҳалланинг ўзига берилиши, бу маблағларни дарахт экиш, парваришlash ва тозалик тадбирларига йўналтириш белгилангани кўчатларнинг қаровсиз қолиб кетмаслигини таъминляпти. Ҳар бир маҳаллада қайси дарахт яхши кўқаришини одамларнинг ўзи яхши билиши ҳисобга олиниб, кўчат тури аҳоли билан бамавсалахат танланаётгани уларнинг барваж ривожланишига хизмат қилади.

Ўткир РУСТАМОВ,
Олот туманидаги
«Буржоқ» маҳалласи раиси.



Нематилла Холйигитов,
Шайхонтоҳур
туманидаги
«Янги Белтепа»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Мутолаага эҳтиёж сўнмайди»

— Маҳалламиздаги 50 та кўп қаватли уйларда 11 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Англаганингиздек, иш кўлами жуда кенг. Бундай шароитда ҳеч нарсага бепарқ қараб бўлмайди. Барча масалаларга уйғоқ назар билан ёндашиш талаб этилади. Баъзи кунлари бир дақиқа бўш вақт топилмайди.

Шундай дамларда бир пиёла чой ичиб, «Mahalla»ни ўқиб чиқсам, чарчоклардан фориғ бўламан. Идорамизга мурожаат билан келганларга газетани мақтаб-мақтаб, тавсия қиламан. Замонамиз шиддат билан ўзгариб, техника илғорлаб боргани билан инсоннинг мутолаага бўлган табиий эҳтиёжи сўнмайди. Шунинг учун ҳар йили «Mahalla»га обуна бўлишни қанда қилмайман.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Шоҳсанам АШУРОВА,
Когон шаҳридаги «Адолат» маҳалласи раиси:

— Шаҳар ҳудуди бўлгани боис кўп қаватли уйлар кўп. Аксарият уйларнинг ертўла қисми бўш турибди. Бундай жойлардан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тушяпти. Айтингни, қонун бўйича ертўлада қайси фаолият турлари билан шуғулланиш мумкин эмас?

Ертўлада қандай
фаолият турига йўл
қўйилмайди?

Фаррух ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Кўп квартиралари уйнинг ертўласидан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ҳукумат қарорига кўра, ертўлада айрим фаолият турлари билан шуғулланишга йўл қўйилмайди. Мисол учун, соат 23.00дан кейин ишлайдиган умумий овқатланиш корхоналари, ресторанлар, кафелар, барлар, кимёвий товарлар, сабзавот ва балиқ маҳсулотлари, ёнувчи ва портловчи маҳсулотларни сотувчи дўконлар фаолияти тақиқланади.

Шунингдек, 10 тадан ортиқ иш ўрнига эга бўлган пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари, ҳаммомлар ва сауналар, алоқа тармоқ станциялари, жамоат ҳожатхоналари, маросимлар билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш муассасалари, саноат корхоналари фаолиятининг барча турлари жойлаштирилиши мумкин эмас. Қолаверса, уй ҳайвонлари ва паррандалари боқишга ёки кўпайтиришга мўлжалланган уйлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг транспорт воситалари учун гаражлар, яшаш жойлари, кинотеатр, ётоқхона ва меҳмонхоналар ташкил этишга йўл қўйилмайди.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

«Менинг биринчи уйим»
дастури қачон бошланади?

Яраш РАҲМОНОВ,
Жондор туманидаги Ибн Сино
номидаги маҳалла раиси:

— Президентимиз Мурожаатномада тураржойга эҳтиёжи бор ва ёш оилалар учун «Менинг биринчи уйим» дастури ишга тушиши ҳақида айтганди. Айти дастур бўйича ишлар бошландими? Қайси ҳудудларда арзон уйлар қурилади?

Саидносир УСМОНОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги матбуот
хизмати раҳбари:

— Дастур бўйича бирорта ҳудудда ишлар ҳали бошланмади. Бирок жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилган «Менинг биринчи уйим» дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарорига асосан, «Менинг биринчи уйим» дастурининг биринчи босқичи тажриба-синов тариқасида Зангиота туманидаги «Туркистон»

маҳалласида бошланиши белгиланяпти. Дастур доирасида амалга ошириладиган қурилиш ишларини мувофиқлаштириш учун «Менинг биринчи уйим» дастурини амалга ошириш дирекцияси ташкил этилади.

Қуриладиган уй-жойлар аҳолига имтиёзли ва бозор шартларда реализация қилинади. Хусусан, имтиёзли уй-жойлар охириги 5 йил давомида мулк ҳуқуқи асосида уй-жойга эга бўлмаган оилаларга, 15 фоиз миқдорда бошланғич тўлов асосида 20 йил муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шартларида ажратилади.

Уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган шахсларга имтиёзли уй-жойлар бўйича бошланғич тўловининг бир қисмини қоплаш учун — қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдорида, ойлик тўловларининг бир қисмини қоплаш учун — беш йил давомида ҳар ойлик қатъий белгиланган 1 миллион сўм миқдорида субсидиялар берилади.

Қарор лойиҳасига кўра, Дастурнинг амалга оширилишида Туркия

Республикаси давлат уй-жой бошқармаси (ТОКИ) билан ҳамкорлик қилинади. ТОКИ Туркияда кам ва ўрта даромадли оилалар учун ижтимоий уйлар қуриш бўйича катта тажрибага эга. Шу билан бирга, кўп квартиралари уй-жойлар, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилма объектиларини лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини амалга оширадиган тадбиркорлик субъектлари тендер савдолари асосида аниқланади.

Эслатиб ўтамиз, 2023 йил 5 апрель санасида Президент раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Тошкент вилоятининг Зангиота туманида 36 гектарлик майдонда «Менинг биринчи уйим» дастури амалга оширилиши қайд этилганди. Дастур доирасида 2,5 мингта оила учун 58 та кўп қаватли уй қурилади. Ушбу уйлардаги 2 ва 3 хонали хонадонлар учун ойлик тўлов миқдори амалдаги субсидияли ипотека тўловларидан арзон бўлиши айтилганди.

ТАЖРИБА

«5 та ўсиш нуқтасини белгилаб олганмиз»



Илгари бу ерларда Тошкент шаҳрини қўриқлаб турадиган қалъа деворлари бўлган. 2001 йил маҳаллаларни қайта номлаш жараёнида мазкур йиғинга тарихий — «Эски қалъа» номи берилди.

Худудда Зангиота зиёратгоҳи жойлашган бўлиб, зиёратгоҳ худуди тубдан қайта реконструкция қилинган, бу ерга келувчи зиёратчилар сони йилдан-йилга ортиб борапти. Эътиборлиси, бунёдкорлик ишлари нафақат зиёратгоҳнинг ўзиде, балки унинг ён-атрофида амалга оширилди.

Аҳоли «хонадонбай» ўрғанилганда 5 та ўсиш нуқтаси

аниқланди. Шу ўсиш нуқталарини ривожлантириш бўйича ишлар олиб борилапти.

Биринчиси, маҳалла зиёрат туризми манзилларидан бири бўлгани учун хонадонларда меҳмон уйлари кўпайтириш белгиланган. Бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилиб, хонадонларнинг қиёфасини миллий услубда



сақлашга ҳаракат қилинмоқда. Ҳозир 16 та меҳмон уйи, битта меҳмонхона, 27 та хунарманд хонадонлар бор. Йиғинда зиёрат туризмни ривожлантириш бўйича барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Иккинчи ўсиш нуқтаси — касаначилик. 60 фоиз хонадонда тикув машиналари бор. Уйда ўтирган хотин-қизлар фарзанд тарбияси билан бирга, буюртма асосида тикувчилик билан шуғулланмоқда. 10 фоизи турли ўйинчоқ машиналар, кўғир-

чоқлар ясашади. Ҳозирда 4 та тикувчилик, 1 та мебель цехи фаолият юритмоқда.

Учинчиси, томорқачилик. «Бир кўча — бир маҳсулот» тамойили асосида хонадонларда мавсумга қараб, турли полиз маҳсулотлари экилади. Айни пайтда салат барги ва турли кўкатлар парваришланмоқда. Баҳордан булғор қалампири, помидор экиш ишлари давом этади. Бундан ташқари, ғалла майдонларидан бўшаган ер майдонларига 100 дан ортиқ хўжалик такрорий экин сифатида кулупнай, картошка, помидор экишди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 11 нафар фуқаро аукцион орқали ер олишди.

Тўртинчиси, иссиқхона. Ҳозир 76 та хонадонда иссиқхона бор. Уларда, асосан, сабзавот маҳсулотлари — қизил лавлаги, салат барги, помидор, бодринг етиштирилмоқда.

Бешинчи ўсиш нуқтаси — чорвачилик. Маҳалладаги 40 фоиз хонадонда чорва моллари боқилади. Шу ернинг ўзиде сут ва сут маҳсулотлари тайёрланади. Шунингдек, кўшимча тарзда товуқ, қуён боқишаётганлар бор. Масалан, Абдулла Маҳмудов 5 та қуёни 2000 тага етказди...

Шу соҳада 23 йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтишим

мумкин, бу ишларнинг барчасида нурунийларнинг ташаббуси, жонбозлиги алоҳида ҳурмат-эътиборга лойиқ. Улар халқни бирлаштиришда, ташаббускор бўлишда катта ёрдам берапти. «Ташаббус бюджет» лойиҳаси орқали 16 километр ички кўчалар асфальтланди. Маҳаллага тўлиқ ичимлик сув тармоқлари тортилди, тез кунда ҳар бир хонадонга тоза ичимлик сув кириб боради. Келгусида «Ташаббус-ли бюджет» лойиҳаси ва аҳоли кўмагида 200 та таъмирталаб симёғочларни бетон устунларга алмаштириб, 3 та трансформатор ўрнатилди. Кўча чироклари ва камералар қўйилди. Маиший чиқиндиларни олиб кетиш учун махсус машина харид қилинади...

«Яшил макон» лойиҳаси доирасида бўш жойларга 300 туп мевали кўчатлар экилди. Маҳалла идораси қошидаги бўш ерга экилган атиргул ва узум қаламчалари аҳолига тарқатилди. Қувонарлиси, ўтган йили водийдан олиб келиб экилган узумлар бу йил ҳосилга кирди.

Хуллас, ҳар бир иш маҳалла аҳли билан бамаслаҳатда ҳал этиб келинмоқда.

Наргиза АҲМЕДОВА,
Зангиота туманидаги
«Эски қалъа» маҳалласи раиси.

ТАКЛИФ

«Хат-ҳужжатлар билан шуғулланадиган ходим зарур»

Маҳалла туман марказида жойлашган бўлиб, 400 та хонадонда 2332 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худуд аҳолиси давлат ташкилотларидан ташқари, касаначилик, хунармандчилик ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилади. Темир дарвоза, пластик дераза ва эшик-роғлар ясайдиган кичик цехлар бор.

Юздан зиёд аҳоли қўшни маҳалладаги текстиль корхонада ишлайди. Ўндан зиёд хотин-қизларга тикув машиналари берилди. Улар ўзини ўзи банд қилиб, буюртма асосида кўрпа-тўшак, кўйлақлар тикишмоқда.

Худудда 2021 йил 2 километр сув тармоғи янгиланган бўлса, бу йил яна 1 километр қувур янгисига алмаштирилиб, аҳоли тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминланди. Шунингдек, 2-мактаб олдидаги кўчанинг 700 метри асфальтланди.

Маҳалла қабристонини обод этиш мақсадида 5 та артезиан қудуғи қазилиб, худуд атрофида терак, гужум дарахтлари экилди. Яшилликни яна-

да кўпайтириш учун Аҳмад Яссавий, Мустақиллик кўчаси ҳамда 27-мактаб худудида артезиан қудуқлари орқали сув чиқарилди. Шу орқали дарахтларни сўғориш муаммоси ҳал этилмоқда. Худуд иқлимига, асосан, терак, гужум, оқтол, қоратол, мевали дарахтлар мос келади. «Яшил макон» доирасида бу масала эътиборга олинди, минг туп мевали ва турли манзарали дарахт кўчатлари экилди. Эрта баҳорда икки километр захкаш зовур бўйига терак қаламчалари экиш режалаштирилган.

Таклиф: маҳаллада хат-ҳужжат ишлари билан шуғулланиш учун алоҳида иш юритувчи штати ташкил этилиши лозим. Чунки «маҳалла бешлиги» ўз вазифалари билан банд бўлганда аҳоли ёки бирор ташкилотдан зарур маълумот сўралиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Биргина муаммо, бир километр кўчага тош тўкилиб, асфальтланиш зарур.

Зерипбой ЖУМАНИЕЗОВ,
Шовот туманидаги
«Бунёдкор» маҳалласи раиси.



«Халқ билан ҳар куни мулоқотдамиз»

Маҳалла тарихий номга эга бўлиб, илгари бу ерларда кўлаб булоқлар бўлган. Тошкент шаҳрининг 12 та дарвозасидан бири шу худудда жойлашган. Йиғинда 22 та кўп қаватли тураржой ва 13 та кўчадан иборат ерли ҳовлилар бор.

Худудда хизмат кўрсатиш йўналишлари яхши ривожланган бўлиб, улар 4742 тани ташкил этади. «Анҳор лакоматив» истироҳат боғида касаначилик билан шуғулланаётганлар кўп. Жорий йил 195 нафар фуқаро бола парвариши, беморга қараш, ҳайдовчилик, тикувчилик ва пишириқ маҳсулотларни тайёрлаш соҳалари бўйича ўзини ўзи банд қилди. Шунингдек, ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаш ва тикиш-бичиш цехига материаллар учун кредитлар олинди. Етказиб бериш хизматини йўлга қўйиш учун 1 та скутер, аёллар учун 2 та тикув машинаси, 5 та ноутбук ва 2 та уқалаш ускунаси берилди.

«Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган икки нафар ёшга сафарбарлик ҳарбий хизмати тўлови, 8 нафарнинг контракт пули, 4 нафар ёшга «Келажак касблари»да таълим олиши учун тўлов пуллари қоплаб берилиб, 6 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

«Аёллар дафтари»га киритилган 248 нафар эҳтиёжманд аёлларнинг 125 нафарига 153 млн. 300 минг сўм моддий ёрдам берилди. Бир нафар аёлга дори-дармон ва жарроҳлик амалиёти учун 6 млн. 782 минг 900 сўм, яна бир нафарига 12 млн. 629 минг сўм ёрдам кўрсатилди.

Маҳалладаги 18 та кўп қаватли уйлар олди ва ерли ҳовлилар жойлашган 13 та кўча асфальтланиб, электр энергия таъминотини яхшилаш учун иккита трансформатор қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент минтақавий ўқув маркази ташаббуси билан «Калковус» канали бўйи ободонлаштирилиб, асфальтланди. Ёшлар ва болажонлар учун 5 та болалар ўйингоҳи, 2 та воркаут майдони қурилди.

«Яшил макон» лойиҳаси доирасида ҳовлилар ва кўп қаватли уйлар оралига 300 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Иш қизғин, ҳар куни халқ билан мулоқотда бўлиб, қилиниши зарур бўлган ишлар белгилаб олинади.

Қудратилла МЎМИНОВ,
Шайхонтохур туманидаги
«Лабзак» маҳалласи раиси.

Мардонбек ОТАЖОНОВ,
Янгиариқ туманидаги «Шихбоғи»
маҳалласи раиси.



МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla» – ўзимизнинг газета»

– Маҳалла раиси бўлгунга қадар ички ишлар тизимида фаолият юритганман. Доим халқ ичида юрганам учунми бу соҳа менга қийинчилик туғдирмади. Ҳозир 4052 нафар аҳолининг мурожаатларига имкон қадар ечим топиш мақсадида астойдил меҳнат қиляпмиз.

Бир ойда ўрта ҳисобда 50-60 нафар фуқаро турли масалаларда ёрдам сўраб келишади. Ҳаммасини ижобий ҳал қилиш учун эса қонун ҳужжатларидаги ўзгаришлар, жамият рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиб бориш керак.

Шу мақсадда мен ҳамisha «Mahalla» газетасини ўқиб бораман. Ундан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Барибир ўзимизнинг газетамиздан кўймасин, деб мана, кейинги йил учун ҳам обуна бўлиб қўйдик.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Абдусайд АБДУРАҲМОНОВ,
Зарбдор туманидаги «Шодлик» маҳалласи раиси:

– Маҳаллада ишсиз ёшлар орасида онлайн савдога қизиқувчилар кўп. Агар улар шу савдо тури билан шуғулланса, давлатга қанча миқдорда солиқ тўлайди?



«Онлайн савдодан солиқ тўланмайдими?»

Дилдора ҲОШИМОВА,
Солиқ қўмитаси ахборот хизмати раҳбари:

– Фуқаро яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, онлайн чакана савдо фаолияти билан шуғулланган тақдирда қатъий белгиланган солиқ ва ижтимоий солиқ тўловчи ҳисобланади. Қатъий белгиланган солиқ ставкаси ойига Тошкент шаҳрида 825 минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 660 минг сўм, бошқа шаҳарларда 330 минг сўм, бошқа аҳоли пунктларида 220 минг сўмни ташкил қилади.

Шу билан бирга, ойига 330 минг сўм ижтимоий солиқ тўлайди. Яқка тартибдаги тадбиркорнинг товар айланмаси бир йил давомида 100 млн. сўмдан ошган тақдирда товар айланмасидан 2 фоиз миқдорида айланмадан олинган солиқ тўлайди. Бунда қатъий белгиланган солиқ ўрнига айланмадан олинган солиқ тўлашга ўтади. Шунингдек, солиқ даври давомида товар айланмаси 1 млрд. сўмдан ошган тақдирда солиқ тўловчи 7,5 фоиз фойда солиғи ва 12 фоизлик ставкада қўшилган қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланади.

ТАЖРИБА

«Намунали ҳудуд учун барча сафарбар этилган»

«Обод хонадон», «Обод кўча», «Обод маҳалла» мезонларини жорий этиш бўйича олиб борилган кенг кўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари натижасида ҳудудимиз чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда.

Этиборлиси, ушбу ишлар бево-сита туман ҳокимлиги ташаббуси билан, ички имкониятлардан келиб чиқиб, ҳомийлик ва ҳашар йўли, шунингдек, манзилли дастурлар ва «Ташаббусли бюджет» каби лойиҳалар асосида уюшқоқликда амалга оширилди. Бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига жами 4 млрд. 700 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Маҳаллани намунали ҳудудга айлантириш борасида белгиланган комплекс чора-тадбирлар ижроси доирасида ундаги мавжуд 14 та кўча ва уларда жойлашган 520 та хонадон, ижтимоий соҳа объеклари ва бошқа инфратузилмалар янгича қиёфа касб этди.

Туман ҳокимлиги, соҳавий ташкилотлар вакиллари, сектор ва маҳалладаги «бешлик»дан иборат ишчи гуруҳи вакиллари иштирокида ҳар бир хонадон хатловдан ўтказилиб, муаммолар уйма-уй юриб ўрганилди. Аҳолининг турли масалалардаги мурожаатларини ҳал этиш чоралари кўрилди.

Хусусан, мурожаатлар асосида 42 нафар ишсиз фуқаро бандлиги таъминланиб, 4 нафар ишсиз фуқарога имтиёзли кредит ажратилди. Худудда тадбиркорликни ривожлантириш, ишчи ўринлари яратилишини кенгайтириш мақсадида 2 та янги



хўжалик юритувчи субъект ташкил этилди. Ўрганишлар давомида 470 га яқин хонадонда ободлик ишлари бажарилиб, эҳтиёжмандлиги бўлган 10 га яқин хонадонлар ҳомийлик йўли билан таъмирлаб берилди.

Бундан ташқари, одамларимиз юртимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ислохотлар жараёнида жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадларига қаратилган «Ташаббусли бюджет» жараёнида фаол қатнашмоқда. 2022 йилда «Ташаббусли бюджет» асосида олиб борилган ишлар ҳудуд ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Қатор ижтимоий объектлар, маҳалла ва

кўчалар обод бўлиб, кўркам тус олди. 800 миллион сўм маблағ ҳисобига ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, маҳалланинг Маърифат ва Бунёдкор кўчалари бўйлаб 910 метр масофада янги бетон ариқлар ўрнатилиб, 1 минг 750 метр ички йўллар таъмирланди ва асфальт ётқизилди. Худудда электр таъминоти сифатини ошириш мақсадида 160 кВа қувватга эга бўлган янги трансформатор ҳамда 28 та таянч устунлари ўрнатилди.

Баҳодир ЎРИНОВ,
Ўзбекистон туманидаги
«Шакаробод» маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

ҚУЛАЙЛИК

Имтиёзли кредит электрон шаклда ажратиладими?

Нуриддин АБДУЛЛАЕВ,
Сариосиё туманидаги «Биллур» маҳалласи раиси:

– Турли дастурлар орқали ҳозирда аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиб келяпмиз. Кредитлардан мақсадли фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйган, аҳоли бандлигини таъминлаётганлар кўп. Айтишларича, эндиликда давлат дастурлари доирасида берилаётган имтиёзли кредитлар фақат электрон шаклда ажратилар экан. Шу тўғрими?



Фаррух ЖЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

– 2023 йил 15 ноябрда «Аҳоли кичик ва ўрта бизнесга кенг

жалб қилишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Ҳужжатга кўра, эндиликда давлат дастурлари доирасида кредит ажратишнинг

барча босқичлари электрон платформаларда амалга оширилади. Бунда маҳаллаларга чиққан ҳолда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида давлат дастурларида кичик ва ўрта бизнес учун белгиланган молиявий имкониятлар тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.

Қарорга кўра, 2023 йил 15 декабрдан ҳудудлар ва давлат дастурлари йўналишлари кесимида 2024 йилда 2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилишнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланади. 2024 йил 1 июлдан давлат дастурлари доирасида ажратилаётган кредитлардан самарали фойдаланиш учун кредит ажратишнинг барча босқичлари электрон платформаларда амалга оширилади.

2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январгача давлат харидлари махсус ахборот порталида давлат иштирокидаги йирик корхоналар билан кооперация асосида ташкил қилинган кичик тадбиркорларга ўзлари ишлаб чиқарган товарларни давлат буюртмачиларига бир йилда 10 миллиард сўмгача тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотишга рухсат берилади.

НИГОҲ

«Икки йилда муаммолар икки баробар қисқарди»



Маҳалла муаммолари тизимли ечиб борилапти. Сўнги икки йилда улар икки баробарга қисқарди. 2021 йилда «Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» маҳаллий дастурлар доирасида электр таъминотини янгилашга киришди. 100 га яқин темир-бетон таянчлари олиб келиниб ўрнатилди. 0,5 км узунликда 10 кВ.ли ҳамда 2 км. масофада 0,4 кВ.ли электр узатиш тармоқлари янгиланди.

Маҳалла ҳудудидаги истеъмолчиларни ортиши ҳисобига ўта зўриқиш билан ишлаб келаётган трансформатор пункти юқини енгиллатиш мақсадида бир дона янги, трансформатор пункти ўрнатилди ҳамда мутахассислар яқуний монтаж ишларини бажарди.

Бундан ташқари, дастур асосида «Муруват» маҳалласи ҳудудидаги мавжуд электр қурилмалар ва тармоқлар мукамал ва жорий таъмирланди. Бу ҳудуддаги истеъмолчилар учун электр таъминоти барқарорлигини таъминламоқда. Бу ишлар 2022 йилда давом этиб, 2 та трансформатор таъмирланди. Кўчаларнинг 4,5 км. қисми сағаллаштирилди. 2023 йилда «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бў-

йича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори асосида 7,5 км. ичимлик сув тармоғи тортилди. 2 та қудуқ, 2 та сув сақлаш иншооти қурилди. Ҳалоскор кўчасида 500 метр масофа асфальтланди. Кўркам водий кўчасидаги 10 дона эски смийғочлар бетон таянч устунларга алмаштирилди. 200 метр электр тармоқ янгиланди.

Ўз навбатида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ижобий натижаларга эришилмоқда. Мисол учун охириги хатловда 86 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, ҳозир уларнинг 81 нафарининг бандлиги таъминланди. Бунда 10 нафар фуқарога субсидия ажратилиб, 55 нафарига кредит берилди. Натижада улар ўзини ўзи банд қилди. Асосий «драйвер» — деҳқончилик ва чорвачилик бўлса-да, кейинги пайтда тадбиркорлик ҳам ривожланмоқда. Бунинг самараси ўларок, бугун 46 нафар тадбиркор 100 та иш ўрни яратишга эришди. Табиийки, рўйхатдаги ишсизларни хусусий секторда бандлиги ортиб бормоқда.

Ўқтам ҒАНИЕВ,
Боғдоқ туманидаги
«Муруват» маҳалласи раиси.

ТАКЛИФ

«Ходимларга хона етишмаяпти»

Худудда 3023 нафар аҳоли яшайди. Одамларимизнинг асосий даромад манбаи, «драйвери» — қишлоқ хўжалиги. Айниқса, томорқадан самарали фойдаланишда. Деярли ишсиз фуқарони, бекорчи одамни топа олмайсиз. Мисол учун жорий йил сўнги хатловда 20 нафар ишсиз аниқланган бўлса, уларнинг 7 нафарига субсидия, 13 нафарига кредит ажратилди.



2022-2023 йиллар давомида инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ҳал этилди. 2022 йилда «Обод қишлоқ» дастури асосида 5 км. йўл сағаллаштирилди, 7 км. электр тармоқ тортилди. Мустақиллик, Гилосзор, Ўзбекистон, Истиклол кўчасининг 4 км. узунликдаги йўли асфальтланди. Навбахор, Наврўз кўчасининг 2,2 км. қисмига бетон йўл қилинди. Худуддаги 14-умумтаълим мактаби капитал таъмирланди, қўшимча 180 ўринли бино қурилди. Оилавий шифокорлик пункти капитал таъмирланди, қўшимча тез тиббий ёрдам биноси барпо этилди. Бу билан барча тиббий ёрдам турлари шу ернинг ўзида кўрсатилишига эришилди. Бундан ташқари, одамларимиз умумий мақсад йўлида бирлаша олишди. Айниқса, «Ташаббусли бюджет» лойиҳасида муаммоларни ҳал этиб оляпмиз. Худуддаги 18-умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш таклифи 2022 йилги 3-босқичда ғолиб чиқди. Жорий йил Каналбўйи кўчасининг 2 км. дан ортиқ қисмини асфальтлаш таклифимиз 2 мингдан ортиқ овоз тўплади. Насиб қилса, яқинда бу таклифимизга маблағ ажратилишини кутяпмиз.

Айни кунларда «Яшил макон» дастури доирасида 1000 донадан ортиқ кўчат экилиб, кўчалар обод қилинди. «Маҳалла гузари» барпо этилиб, савдо хизмат кўрсатиш объектлари қурилди.

1,8 км. янги ичимлик сув тармоғи тортилиб, 1 та сув сақлаш минораси ўрнатилди. Натижада ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 100 фоизга етди.

Мавриди келганда айрим муаммоларни айтиб ўтишни лозим топдим. Айтайлик, худудда бирорта давлат мактабгача таълим ташкилоти йўқ. Фақат 2 тагина уй боғчаси ишлаб турибди. Шунинг учун келгуси йилда маҳаллада МТТ қуриш керак. Бундан ташқари, маҳалла ходимлари самарали фаолият олиб бориши учун ўз биносига эга эмас. 2022 йилда маҳалла идораси қуриш таклифи «Обод қишлоқ» дастурига киритилганди. Аммо маблағ бўлмагани учун бажарилмай қолди. Бу масалада туман ҳокимлигига таклиф берганмиз. Ҳозир эски мослаштирилган бинода вақтинча ишлаб турибмиз. Бинода 3 та хона бўлиб, профилактика инспектори ва ёшлар етакчисига хона етишмайди. Ёшлар етакчиси мактаб биносида иш олиб борса, профилактика инспектори қўшни маҳалла профилактика инспектори хонасида фаолият олиб бормоқда.

Яна бир таклифимиз — янги иш ўринларини яратишда драйверимиздан келиб чиқиб, деҳқон хўжаликлари ташкил этиш керак.

Шарифжон КОМИЛОВ,
Улуғнор туманидаги
«Фазогир» маҳалласи раиси.

БИР МУРОЖААТ ИЗИДАН...

Суд қарори қачон ижро этилади?

Тахририятимизга Қўқон шаҳри, Мисгарлик кўчаси, 79-уйда яшовчи Марҳаб Абдуллаевадан мурожаат келиб тушди. Шикоят хати мазунига кўра, аризачига тегишли бўлган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси бино-иншоотлари Қўқон шаҳар ҳокими қарорига асосан, 2010 йилда давлат эҳтиёжлари учун бузилади. 2013 йилда кўчмас мулк ўрнига ер берилади. Лекин ер майдони «Универсалбанк»га тегишли бўлгани учун қайтариб олинади.

Нихоят, узоқ тортишувлардан кейин Қўқон туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, аризачига компенсация пулини ундириш белгиланган. Лекин ҳозиргача суд қарори ижро этилмаган.

Ушбу мурожаатни мутахассислар иштирокида ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан ҳолатга изох сўрадик. Вазирлик мутахассислари мурожаатни ўрганиб, тахририятга жавоб йўллашди:

«Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг 2023 йил 20 апрелдаги ҳал қилув қарори билан Қўқон шаҳар ҳокимлигидан 3 814,6 миллион ундирилиши белгиланган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабардаги «Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг

олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида «давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармалар ташкил этилган.

Мазкур қарор билан тасдиқланган низомнинг 6-бандига асосан, ҳудудий жамғармаларини шакллантириш тартиблари белгиланган.

Бугунги кунда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Давлат ва жамият

эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармада етарли маблағ мавжуд эмас.

Шунингдек, Низомнинг 16-бандида ҳудудий кузатув кенгаши ишчи органи туман(шаҳар) ҳокимликларининг жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича мурожаатларни асосланттирилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқади ва маълумотларни ҳудудий кузатув кенгашига тақдим этади. Ҳудудий кузатув кенгаши шунга асосан, маблағларни ажратиш ёки ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қарздорликни қоплаш учун вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги марказлаштирилган жамғармада

етарли маблағ шаклланмаганини инобатга олиб, биринчи навбатда, Қўқон шаҳар ҳокимлиги шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан марказлаштирилган жамғармага маблағ ўтказган ҳолда ёки жамғармада етарли маблағ шакллангандан сўнг, асосланттирилган ҳужжатга кўра, мазкур қарздорликни қоплашга маблағ ажратиш ёки рад этиш тўғрисида кузатув кенгашининг тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш мақсада мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги марказлаштирилган жамғармада етарли маблағ шакллангандан сўнг кузатув кенгашининг тегишли қарори ва халқ депутатлари вилоят кенгаши қарори асосида маблағ ажратилишини маълум қилади.

Вазир ўринбосари
А.ҲАЙДАРОВ».

ТАКЛИФ

«Ҳар бир маҳалланинг ўз бозори бўлса...»

Илгари бу ҳудудларда хонларнинг катта боғлари бўлган. Ҳозирда 100 гектарга яқин боғ бўлиб, барча мевали дарахтлар парваришланмоқда. Бу йил яна 10 нафарга яқин фуқаро ер олиб, янги боғлар яратди. Маҳсулотлар экспорт қилинади.

Маҳалла «драйвери» – хунармандчилик. Худудда «Янгиариқ» зангори кулолчилик мактаби бор. Унда Баҳодир Отажонов, Одилбек Раҳимов, Одамбой Одамбоев каби катта авлод вакиллари «устоз-шогирд» аънаъаси асосида ёшларга кулолчилик сирларини ўргатиб келяпти.

Бу ерларнинг тупроғи олтинга тенг. Қўли гул уста-кулоллар оддий тупроқдан мўъжизавий нақшинкор тошлар билан бирга, кулолчилик маҳсулотларини яшашмоқда. Бу, ўз навбатида, сайёҳлар қизиқишини оширмоқда. Шу сабаб кулолчилик мактаби сайёҳлар манзилига айланган.

Илгари бундай зангори кулолчилик марказлари Марказий Осиёда учта худудда – бири шу маҳаллада бўлса, иккинчиси Кўҳна Урганч (ҳозирги Туркменистон Республикасининг Тошовуз вилояти)да, учинчиси Хонқа туманидаги Мадир қишлоғида бўлган...

Бундан ташқари, худудда тандирчилик яхши ривожланган. Элликка яқин тандирчи-усталар бор. Уларнинг тандирлари Қорақалпоғистон Республикасидан тортиб, Тошкент шаҳригача етиб борган.

Маҳаллада тадбиркорликнинг барча йўналишлари ривожланмоқда. Ҳозир йигирмага яқин тадбиркор бор. Биргина, «Бекзодбек индустриал» МЧЖ томондан идиш ювувчи гел, шампун ва кир ювиш воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда етти нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга. Яқин кунларда пластик идишларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ҳозир ортиқ маҳалла фуқароси қўшни «Жалоил» маҳалласидаги «Янгиариқ пласт» корхонасида ишламоқда.

Йиғинда «Обод қишлоқ» дастури доирасида 20 та кўча шағаллаштирилиб, тунги чироклар ўрнатилган. Битта давлат боғчаси қурилган. Айти пайтда маҳаллада 5 та хусусий боғча,

қишлоқ врачлик пункти, «Баркамол авлод» болалар ижодиёт маркази фаолият юритмоқда.

Муаммо: маҳалла «Хива-Ҳазорасп» катта автомобиль йўли бўйида жойлашгани сабаб, бир километр йўлга тунги чироклар қўйилиб, пиёдалар йўлга қурилиши зарур. Маҳалла биноси йўқ, «маҳалла бешлиги» мослаштирилган бинода фаолият юритаяпти.

Таклиф: ҳар бир маҳалланинг ўз бозори бўлиши керак. Чунки бозорлар ривожланишнинг дебочасидир. Йиғин туман марказидан 6 километр олида бўлгани учун аҳоли 5-10 километр масофани ҳафтада бир марта бўладиган бозорга олиб боришга мажбур. Агар маҳалланинг ўзида бозор ташкил этилса, ҳар бир фуқаро ўзи етиштирган маҳсулотларини чиқариб сотиши, бир неча фуқаро ишли бўлиши мумкин. Қолаверса, шаҳар аҳолиси табиий ва арзон маҳсулотларни олиш учун қишлоқларга яқинлашади.

Зарипбой ХЎЖАНИЁЗОВ,
Янгиариқ туманидаги
«Каттабоғ» маҳалласи раиси.



«Ичимлик сув келиши қийин бўляпти»

Маҳалла Қозғистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Аҳолининг 30 фоизи 15 километр масофа босиб, пойтахтдаги турли ташкилотларда меҳнат қилади. 10 фоизи деҳқончилик билан шуғулланади. Аксарият хонадон эгалари чорва моллари боқиб, асосан, сут-қатиқ сотишади. Бурдоқчилик билан шуғулланаётганлар бор.

Жорий йил 100 нафар фуқаро турли йўналишлар бўйича ўзини ўзи банд қилди. 4 та савдо дўкони бор, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари деярли йўқ. Чунки талаб кам. Худуд 2-секторга қарашли бўлгани учун вилоят прокуратураси ташаббуси билан 4 хонали маҳалла идораси таъмирланиб, 4 та янги трансформатор ўрнатилган. Ҳатто, жорий йил бошида кузатишган аномал совуқда электр энергиядан узилишлар кузатилмади.

Бу йил маҳалла «Обод маҳалла» дас-

турига тушиш керак эди, бироқ баъзи сабаблар билан рўйхатдан тушиб қолди. Энди зарур инфратузилма ишларини «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси орқали амалга оширишга тўғри келмоқда. Худудда 30 та катта-кичик кўчалар бўлиб, шундан фақат асосий кўча асфальтланди. Қолганларига тош тўкилди, бироқ катта-катта тошлар бўлгани учун пиёда ҳаракатлини қийин бўляпти.

Муаммо: май-октябрь ойларида маҳаллага ичимлик сув келиши қийин бўляпти. Чунки юқорида жойлашган «Чашма» маҳалласида кўплаб дам олиш дачалари қурилган. Улар қўшимча насослар ўрнатиб, бу ёққа келадиган асосий сувни тортиб олишапти. Шунингдек, ички кўчалар асфальтланди, табиий газ босимини ошириш зарур.

Дилором УСМОНОВА,
Тошкент туманидаги
«Сирғали» маҳалласи раиси.

НИГОҲ

«Муаммонинг кўплиги марказ олисиданми?»

Маҳалла туман марказидан 35 километр олида, қўшни Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани билан чегарадош. Тоғ-ёнбағрида жойлашган. Аҳолининг асосий даромади чорвачилик, узумчилик ва ёнғокдан.



Худудда 40 минг гектар ер бўлиб, 110 гектари фермер хўжаликларга қарашли майдонлар. Аҳолига қир-адирлардан 20 сотихдан 1 гектаргача деҳқон хўжалиги ҳисобида ер майдонлари берилди. Бугун «узунсой»ликларнинг 80 фоизиди чорва моллари, узумзор ва ёнғокзорлар бор. Томорқаларида рўзғори учун зарур деҳқон хўжалиги маҳсулотларини етиштиради.

Куни кеча янги маҳалла идораси қурилиши бошланди. Шу кунгача «маҳалла бешлиги» тадбиркорнинг биносиди фаолият юритиб келяпти. Ҳашар йўли билан бошланган бина қурилишига туман мутасаддилари ёрдам беришларини айтди.

Аҳолининг ичимлик суви тоғдан. Кўпчилик хонадон эгалари ховлисидан артезиан қудуқлари қазиб, қўни-қўшнилари билан биргаликда истеъмол қилади. Бироқ шу йил июнь ойидан

бошлаб дарёларда сув танқислиги кузатилмоқда. Шу сабаб аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида иккита артезиан қудуғи қазиб зарур.

Йиғинда тадбиркорлик унчалик ривожланмаган. Аҳоли талабларидан келиб чиқиб, савдо дўконлари, чорва моллари учун емхона ва битта тикувчилик цехи бор. Маҳалланинг ички кўчаларига қум-шағал тўкилиб, асосий – «Қоратепа-Узумсой» кўчасининг 2200 метри бетон қоплама қилинди. Бироқ шу кўчанинг 300 метри охирига етмай қолди. 24 та бетон устунлар келди, яна 20 тага талаб бор. Электр энергия таъминотини яхшилаш учун иккита электрстанция қурилди. Интернет тармоғи тортиб келинмоқда.

Юнус ЁРОВ,
Ургут туманидаги
«Узумсой» маҳалласи раиси.

Нурпўлат Исмоилов,
Арнасой туманидаги
«Ғолиблар» маҳалласи раиси.



МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla»дан жавоб топаман»

— Маҳалла раисини оила бошлиғига ўхшатаман. У бошқаришни, меҳр кўрсатишни, ўрни келганда дўст бўлишни билиши керак. Айниқса, атрофидагиларга ўз ишбилармонлиги ва билими билан ҳамиша ўрнатилган олиши зарур. Бу осон эмас, албатта, лекин шахсий ривож учун ҳаракат қилган киши урнатилди.

Биз бу йўлда доим «Mahalla» газетасидан фойдаланамиз. Унда чоп этилаётган мақолалар маҳалламиздаги ишларни намунали ташкил этишга дастак бўлмоқда. Аҳоли муурожаатларини ҳал қилишдаги барча саволларимизга жавоблар тайёр! Шунинг учун ҳам қадрдон нашримизга биринчилар қаторида обуна бўлдик.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Тўлқинжон Жўраев,
Поп туманидаги «Обиҳаёт» маҳалласи раиси:

— Маҳалладаги кўп қаватли уйларга бир ҳафта аввал иссиқлик таъминоти берилди. Аммо тармоқдаги носозлик сабабли уй-жойларга хизмат кўрсатувчи компания кўп қаватли уйларга иссиқликни вақтида етказиб бера олмади. Натижада аҳоли иссиқлик таъминоти билан кеч таъминланди. Энди мана шу давр учун коммунал тўловни тўламаслик мумкинми? Бунинг учун кимга муурожаат қилиш лозим?

«Иссиқлик таъминоти кечикса, кимга муурожаат қиламиз?»

Суръат НИГМАНОВ,
Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси бош мутахассиси:

— Кўп қаватли уйлар Ўзбекистон Республикасининг «Кўп квартиралли уйларни бошқариш тўғрисида»ги қонунига асосан юридик шахс бўлган бошқарувчи ташкилот, яъни ширкат хўжалиги шартнома асосида бошқарилади. Шартнома мавжуд қонунлар ва қарорларга асосланган ҳолда тузилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган «Кўп квартиралли уйларда иссиқлик таъминоти хизматлари кўрсатиш» қоидалари тасдиқланган бўлиб, маъмур қоидаларда хона ҳарорати, иссиқ сувнинг ҳарорати қанча бўлиши ҳамда иссиқ сув билан таъминлаш қачондан бошланиши ва қачон тугатилиши, иссиқлик таъминоти хизматлари тўловлари белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига кўра, шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган шартлари ҳақиқий эъзастиги белгиланган. Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эъзасига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас. Қонуннинг 4-моддасида истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқлари акс этган бўлиб, бунда бузилган ҳуқуқлар ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилинишини сўраб, судга, бошқа ваколатли давлат органларига муурожаат этиш мумкин.

Шартнома бўйича юзага келадиган низоларни судгача ҳал қилиш тартиби шартномада белгиланган. Шунинг учун фуқаролар шартномага асосан, ширкат хўжалиги томонидан иситиш тизими билан вақтида таъминланмаганлиги, яъни ширкат хўжалиги шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун иситилмаган кунлар учун тўловдан озод қилиш бўйича ширкат хўжалигининг ўзига муурожаат қилишади. Агар низо ҳал бўлмаса, юқоридаги қонун ва қонуности ҳужжатларга асосан судга муурожаат қилиш лозим.

ҲОЛАТ

«Симёғочлар алмаштирилди, аммо...»

Маҳалламиз сўнгги 2 йилда таянч бўлмас даражада ўзгарди. Инфратузилма билан боғлиқ муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. 2022 йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида маҳаллани ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Дастур доирасида 75 дона ярқисиз ҳолга келиб қолган симёғочлар ўрнига бетон таянч устунлар ўрнатилди. 1,2 км. янги электр тармоқлари тортилиб, 1 та трансформатор пункти қурилди. 840 км. ички йўлларга асфальт қоплама ётқизилди, 1 км. бетонлаштирилди. 6 км. ички йўлларга қум-шағал тўкиб текисланди. 0,8 км. табиий газ тармоғи, 2 та газ тақсимлаш пункти таъмирланди. 1 та тиббиёт муассасаси мукамал таъмирланиб, маҳалла биноси бунёд этилди. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида 1 та қудуқ қазилиб, 5 километр сув тармоғи тортилди. 3 километр пидедалар йўлаги, 19 та тунги ёриткич ўрнатилди, 524 та уй-жойлар таъмирланди. Бундан ташқари, маҳалла тадбиркорлари томонидан 4 та савдо, 3 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 8 та кичик турдаги ишлаб чиқариш объектлари бунёд этилди. 2023 йилда ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари давом этди. Буғомбир қишлоғида 3,5 км. масофадаги йўл кенгайтирилиб, шағаллаштирилди.

Афсуски, «Обод қишлоқ» дасту-



рида белгиланган ишлардан айримлари қолиб кетди. Мисол учун 75 та темир бетон устунлар билан бирга электр тармоқ янгилини лозим эди. Бироқ бу иш бажарилмади. Туман электр тармоқлари қорхонасига бу ҳақда сўров юбордик. Жавобда электр кабели йўқлиги сабаб қилиб кўрсатилди.

Шу билан бирга ҳудудда яна бир қатор ишлар режаланган. Жумладан, туризм маҳалласи бўлганимиз учун Катта Боғдон қишлоғидаги оромгоҳларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш керак. Шу йўл орқали 4 та оромгоҳга борилади. Аммо йўл-

лар абгорлиги учун имкониятимиз чекланиб қолган.

Бундан ташқари, Сайёд ва Буғомбир қишлоқларида электр таъминотини яхшилаш учун трансформаторга эҳтиёж бор. Аксарият кўчалардаги симёғочлар эски. Барчасини алмаштириш таклифини ҳам киритганмиз.

Ҳар икки муаммо юзасидан таклиф берганмиз. Масъуллар дастурга киритилишини маълум қилган.

Дилфуза ҒАФҒОРОВА,
Фориш туманидаги
«Сайёд» маҳалласи раиси.

МАНЗАРА

«Ҳокимлик таклифларимизни жавобсиз қолдирмаяпти»

Учқўрғон туманининг энг олис ҳудуди бўлган «Халфатўпи» маҳалласи аҳолисининг қувончи чексиз. Сабаби йиллар давомида ҳудуд аҳолисини қийнаб келадиган муаммолар ҳал бўлди. Фуқаролар йиғини туман марказидан 20 км. узоқликда жойлашган бўлиб, жами 486 та хонадон, 2700 га яқин аҳоли истиқомат қилади.



2023 йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида 2,6 км. кўчалар асфальт, 1 400 метр йўллар бетонланди. 180 та симёғочлар таянч

устунларга алмаштирилди. Туман ҳокимлигига энг долзарб муаммолар юзасидан таклифлар бериб келяпмиз. Ана шу таклифлар асосида 1 та

электр таянч пункти ўрнатилди, 2 та кўчани асфальтлаш режалаштирилди. Бугунги кунда ҳудудда пудратчи ташкилот «Murodil vaqt invest» МЧЖ томонидан 1 та ичимлик сув қудуғи янгидан қазилди ва 1 та сув минораси қурилди, 1 та янги 25 м³ сиғимли сув идиши ўрнатилди. 14,5 км. ичимлик сув қувурлари ётқизилиб, 486 та хонадон асосий сув тармоғига уланди.

«Ташаббусли бюджет» лойиҳасида 3 км. узунликдаги йўлни асфальтлаш таклифи қолиб чиқди. Ҳудудда муаммолар ечимини топишда «бешлик» ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Масалан, жорий йил 9 ойи давомида хотин-қизлар фаоли иштирокида 23 та оилани яраштириш масаласи кўриб чиқилди. 2 та фарзандсизлик бўйича, 1 та қайнона-келин келишмовчилиги бартараф этилди. 20 та ҳолатда эр-хотин муносабатлари яхшиланди. «Аёллар дафтари»га 80 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 6 нафарига ҳомийлар кўмак берди. 5 нафарига «Аёллар дафтари» жамғармаси орқали 300 минг сўмдан пул маблағи тарқатилди. 7 нафар ногирон фарзанди бор хотин-қизга 600 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди.

М.ҲАКИМОВА,
«Халфатўпи» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.



Хусан ҚАРШИБОВ,
Зарбдор туманидаги
«Янгикент»
махалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Кимгадир маслаҳат беришдан аввал...»

— Бир ярим йилдан буён маҳалла раиси лавозимида ишлаб келяпман. Шу қисқа фурсат кўп ҳақиқатларни тушуниб етишимга ёрдам берди. Халқ билан раҳбардек эмас, унинг яқин инсонидек мулоқот қилишимиз жуда муҳим экан. Шунда улар сизга ишонади, сиз ҳам унинг муаммоси ва дардини тўлиқ ҳис этиб маслаҳат бера olasiz.

Кимгадир йўл-йўриқ кўрсатишдан аввал ўзимизда билим ва тажриба етарли бўлиши зарур. Бунда мен «Mahalla» газетасидан тез-тез фойдаланиб тураман. Фуқароларнинг мурожаатларига мос мақолалар билан танишиб, амалда қўллашга ҳаракат қиламан. Мана, бу йил ҳам нашрга биринчилардан бўлиб обуна бўлдим.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Ойбек ҚОДИРОВ,
Мирзаобод туманидаги
Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла раиси:

— Якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган фуқаролар фаолиятини вақтинча тўхтатиб турса бўладими? Агар мумкин бўлса, қанча муддатга рухсат берилади?

«Тадбиркор фаолиятини вақтинча тўхтата оладими?»

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,
«Мадад» НТТ
хуқуқшуноси:

— Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 392-моддасига асосан агар якка тартибдаги тадбиркор (оилавий тадбиркорлик субъекти) фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунга қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятни вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтнинг ўзида давлат рўйхатидан ўтганлик ҳақидаги гувоҳномани топширади.

Бунда ходимларни ёллаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркор (оилавий тадбиркорлик субъекти) ҳар бир ёлланган ходимга берилган ҳисобга олиш карточкаларини ҳам белгиланган муддатларда солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органига топширади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг (оилавий тадбиркорлик субъектининг) фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган навбатдаги иш кунни тугагунга қадар солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органларига якка тартибдаги тадбиркор (оилавий тадбиркорлик субъекти) фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади.



ТАКЛИФ

«Бино йўқ, ижарада ишлашга мажбур бўляпмиз»

Маҳалламиз тумандаги энг намунали фуқаролар йиғини. Айни пайт ҳудудда 4140 нафар аҳоли яшайди. Асосий «драйвер» — ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш. 30 та хонадон оилавий қандолатчилик билан шуғулланади. 2 та оилавий меҳмонхона хизмати йўлга қўйилган. Қўшимча яна битта меҳмонхона қуриляпти. 15 та савдо дўкони, 2 та компьютер хизмати кўрсатувчи шохобча, 4 та сартарошхона, 25 та оилавий тикувчилик цехи, 8 та хусусий мактабгача таълим ташкоти, оилавий боғчаларда умумий ҳисобда 130 нафардан ортик иш ўрни яратилган. Биргина хусусий боғчаларнинг ҳар бирида 4 нафардан фуқаро бандлиги таъминланган.



Камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлашда ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Биргаликда ўтказилган сўнгги хатловда 152 нафар ишсиз рўйхатга олинган. Ҳозирда уларнинг 108 таси иш билан таъминланди. 21 нафари касб-ҳунар марказларида ўқитилди. Жорий йил ҳисобидан 11 киши субсидия олиб, ўзини ўзи банд қилди.

Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш мақсадида 2023 йил 3 км. масофага ҳудудлараро асфальт ётқизилди. Келажак сари кўчасининг 1,5 км. йўллари тош-шағалланди.

Айни кунларда Нурли йўл, Алпомиш, Келажак сари, Нурафшон, ал-Бухорий, Садаф, Камолот, Қалдирғоч, Сағбон кўчасининг 7,5 км. қисми маҳаллий дастур асосида асфальтланмоқда. Бундан ташқари, ҳудудда жойлашган 28-умумтаълим мактабига 4 миллиард 300 миллион сўм маблағ ҳисобига қўшимча бино қурилди. Натижада ўқувчи қамрови 300 тага етди. Қўшимча спорт зал барпо этилди.

Муаммомиз — маҳалла биноси йўқлиги учун ижара асосида ишлашга мажбур бўляпмиз. Ечим сифатида туман ҳокимлигига давлат-хусусий шерикчилик асосида янги бино қу-

риш таклифини берганмиз. Ҳозирда маҳалла идораси лойиҳасини вилоят ҳокимлиги мутахассислари ўрганишмоқда. Агар тасдиқланса, муаммо ҳал бўлади. Кейинги таклифимиз — аҳоли учун ичимлик сув тармоғини янгилаш. Бу иш катта маблағ талаб қиларкан. Ҳозир кўриб чиқилляпти. Амалдаги тармоқ жуда эски бўлгани учун муаммолар қузатиляпти. Умид қиламизки, мутахассислар тез орада бу масалани ижобий ҳал этишади.

Жалолбек АҲМАТОВ,
Гулистон туманидаги
«Зарбдор» маҳалласи раиси.

ХУҚУҚ

Вояга етган болага алимент тўланадими?

Абдалим САТИМОВ,
Чуст туманидаги «Қорақўрғон» маҳалласи раиси:

— Биламизки, қонунчиликда вояга етмаган фарзандлар учун эр ёки хотин алимент тўлаши белгиланган. Яқинда маҳалламизда яшовчи бир фуқаро фарзанди 18 ёшга тўлган бўлса-да, унга алимент тўлаш мажбурияти юкланди. Бу нечоғли тўғри?

Акмао ОЧИЛОВ,
«Мадад» НТТ бош мутахассиси:

— Оила кодексининг 100-моддасига кўра, ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Улар ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибиде ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 29 июлдаги 11-сонли «Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган

меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 9-бандига биноан Оила кодексининг 100-моддасида ота-онанинг вояга етган болаларига алимент тўлаши белгиланган бўлиб, бунда судлар қонун талабига кўра, вояга етган боланинг меҳнатга лаёқатли ёки лаёқатсизлиги ҳамда моддий ёрдамга муҳтожлиги ёки муҳтож эмаслигини аниқлашга эътибор қаратади.

Судга мурожаат қилган тараф вояга етган боланинг меҳнатга лаёқатсизлиги ва ёрдамга муҳтожлиги тўғрисида далил (ногиронлик ҳақида ТМЭК ёки бошқа ваколатли орган

хулосаси, моддий аҳволи тўғрисида маълумот) тақдим этиши лозим. Ёрдамга муҳтож ёки муҳтож эмаслигига тегишли маълумотлар асосида суд баҳо беради.

Судлар алимент ундиришда болаларнинг меҳнатга лаёқатлигини йўқотилганлик даражаси ва уларнинг ҳақиқатдан муҳтож эканлигини, тарафларнинг моддий ва оилавий аҳволини эътиборга олиши керак.

Демак, болалар вояга етган бўлса-да, моддий аҳволи ва саломатлигига таяниб, суд алимент ундириш тўғрисида қарор чиқариши мумкин. Бу масала фуқаролик судида кўриб чиқилади.



НУҚТАИ НАЗАР

«Иссиқлик таъминоти ва ерости сув қувури муаммо эди...»

Маҳалла туман марказида жойлашган. 1968-1969 йиллари Тошкент шаҳридан Муҳаббат исмли архитектор аёл келиб, бу ерларнинг қурилиш лойиҳасини чизиб, илмий иш қилган. Кейинчалик маҳаллага шу кишининг номи берилган...

Аҳолининг аксарияти давлат ташкилотларида фаолият юритади. Худудда ўнга яқин «Damas» автомашиналари эҳтиёжларини ишлаб чиқарадиган корхоналар филиаллари бўлиб, уларнинг ҳар бирида 20-30 нафар маҳалла фуқаролари ишлайди. Тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат қилаётганлар анчагина.

Йил бошида 300 нафарга яқин ишсиз фуқаро рўйхатга олинган бўлса, ҳозир 70 нафари қолди. Аксарияти тадбиркорлик соҳасига жалб этилиб, зарур кредитлар ажратилди. Қирқ нафарга яқин хотин-қизга тикув машиналари берилиб, ўзини ўзи банд қилишга эришилди. Натижада 1 та кооператив, 2 та хунарманд-касана



корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Кредитга электр мотоцикллар олиб, ўзини ўзи банд қилаётганлар бор. Яна бир қисми хусусий секторларга ишга жойлашди.

Йиғинда 21 та кўп қаватли уй бор. Шу вақтга қадар кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг энг катта муаммоси – иссиқлик таъминоти ва ерости сув қувури бўлган. Аҳоли куз-қиш мавсу-

мида хонадонларини иситиш учун газ плита, электр печь ва алоҳида иситиш манбаини ўрнатиш орқали жон сақлаб келарди. Эндиликда буларнинг барчаси ортда қолди. Чунки 21 та кўп қаватли уйга хизмат қиладиган битта янги қозонхона қурилиб, эски қувурлар янгисига алмаштирилиб, барча уйлар иссиқлик манбаига уланди.



Ерости сув қувури муаммоси ҳам тез орада бартараф этилади. 1972 йилда қурилган ерости сув қувури тармоқлари бугун яроқсиз ҳолга келган. Янги ерости сув қувури тизимларини қуриш учун лойиҳа ҳужжатлари тасдиқланиб, маблағлари ажратилган. Тез кунда қурилиш ишлари бошланади. Бундан ташқари, йиғинда кўплаб бунёдкорлик ишлари

олиб борилмоқда. Жумладан, асосий кўчалар асфальтланиб, пиёдалар йўлаклари қурилди. Жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида кўчаларга тунги ёриткич чироқлари ва 47 та кўзатув камералари ўрнатилди.

Шунингдек, маҳалла биноси олдида болалар ўйингоҳи фойдаланишга топширилди. Келгусида яна битта майдонча Огаҳий кўчасидаги кўп қаватли уйлар олдида қурилади. 400 ўринли давлат боғчасини қайта таъмирлаб, кўшимча бинолар қурилиши натижасида 600 ўринга чиқариш ҳаракатидамиз. Яна бир хусусий боғча бор, лекин қамров етарли эмас. Маҳалла идораси «маҳалла бешлиги»га мослаб қурилган. «Маҳалла еттилиги» иш бошлагач, яна иккита кўшимча хона қуриш зарур.

Хуллас, аҳоли гавжум маҳаллада иш қизғин.

**Музаффар ПИРНИЯЗОВ,
Тупроққалъа туманидаги
«Муҳаббат» маҳалласи раиси.**

НИГОҲ

«Симёғочни янгилаш ва пиёдалар йўлагини қуриш керак»



Илгари маҳалла узумчиликка ихтисослашган бўлса, эндиликда гулчилик ривожланмоқда. Иккита – бири 1 гектар, яна бири кичикроқ иссиқхонада барча турдаги гуллар етиштирилмоқда. Гулнинг даромадини яхши билган 5-6 та хонадон эгалари ўз уйларида иссиқхона қуриб, гул парваришламоқда.

Етмиш фоиз аҳоли кўшимча даромад сифатида хонадонларида чорва моллари боқишади. Энг машҳур кафель териш усталари айни шу маҳаллада. Шу боис «усталар маҳалласи» деб аташади. Ёшлар кўпроқ кредитга асбоб-ускуналар олиб, ўзини ўзи банд қилмоқда. Айримлари тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқда. Бир нечтаси дераза ва эшик-ромлар ясайдиган цех ташкил этди. Хотин-қизлар тикув машина харид қилиб, оиласига кўшимча даромад келтиряпти.

Маҳалла тўлиқ табиий газ ва ичимлик сув билан таъминланган. Битта давлат, 5 та хусусий боғча бор. Уларда рус ва инглиз гуруҳлари ташкил этилган. Шу сабаб кўшни маҳаллалардан болалар келишади.



Йиғиндаги 18 та кўчанинг барчаси шағаллаштирилди. 2500 метр қисми асфальтланиб, 900 метри бетон билан қопланди. Яна 3,5 километри асфальтланса, ички йўллар тўлиқ таъмирланган бўлади. Шунингдек, 3 та трансформатор қўйилди. 40 та бетон устунлар келтирилди, тез орада улар 8 та кўчага ўрнатилиб, кабель симлар тортилади.

Маҳалла фаоллари ва ҳокимлик ташаббуси билан маҳалла ва Самарқанд шаҳри оралиғида 66-йўналишли автобус қатнови йўлга қўйилди. Унда фуқаролар йўл ҳақини нақд пулда ёки пластика карталари орқали тўлашлари мумкин.

Қилиниши зарур бўлган ишлар бор. Аввало, юқори кучли электр энергиянинг 22 та симёғочини бетон устунларга алмаштириб, 2 та кўшимча трансформатор ўрнатилиши керак. Асосий транспорт йўлда аҳолининг хавфсиз ҳаракатланиши учун 2,5 километр пиёдалар йўли қуриш керак.

**Муйин ОМОНОВ,
Самарқанд туманидаги
«Бадал» маҳалласи раиси.**

КЎЗГУ

«4 та кўча асфальтланиши зарур»

Маҳалла ҳар томонлама қулай худудда жойлашган. Аҳолининг 80 фоизи давлат ташкилотлари ва корхоналарда ишлайди. Чунки яқин худуд атрофида «Ангрен» эркин иқтисодий зонаси, «Биринчи резинотехника заводи», «Янги Ангрен» ИЭС, кафель, ун, ёғ ишлаб чиқарадиган кўплаб йирик корхона ва заводлар жойлашган. Шу сабаб маҳаллада ишсизлар йўқ ҳисоби.



Қолган 20 фоиз аҳоли турли юмушлар билан банд. Асосан, помидор, бақлажон, булғор қалампери, гулрайҳон кўчатларини етиштириш билан шуғулланади. 14 та хонадонда иссиқхона бор, тўрттаси лимон экишади. Янги нав яратувчи селекционерлар ҳамда мавсумий ишлар билан банд бўлаётган усталар бор.

Тадбиркорлик соҳаси кўпроқ хизмат кўрсатиш йўналишида ривожланмоқда. Хотин-қизлар кредит асосида тикув машина, ёшлар электр мотоцикл олиб, ўзини ўзи банд қилмоқда.

Энг катта янгилик, давлат ҳисобидан 2 километр, Дўстлик кўчасига ҳомийлик ёрдамида сув тармоғи тортилиб, ҳар бир хона-

донга тоза ичимлик сув киритилди. Энди улар навбатма-навбат кўшилипти. Қилиниши лозим бўлган ишлардан бири, тўртта кўчамизни асфальтлаш зарур.

«Яшил макон» лойиҳаси доирасида дарахт экиш ишлари қизғин давом этмоқда. Шу кунгача 500 туп турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Кўчат экишда манфаатдорликни ошириш мақсадида темир йўл бўйи аҳоли ва тадбиркорларга шартнома асосида ер тоифаси ўзгартирилмасдан бўлиб берилмоқда.

**Гулчеҳра ЗОКИРОВА,
Ангрен шаҳридаги Ғафур Ғулом
номли маҳалла раиси.**

ТАШАББУС

«Худудда бекорчи одамни топа олмайсиз»



Маҳаллада 6336 нафар аҳоли яшайди. «Драйвер»имиз деҳқончилик ва тадбиркорлик. Аҳоли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда етарлича тажрибага эга. Улар пилла, ғалла, пахта хом ашёсини тайёрлашда илғорликни қўлдан беришмайди. Хусусан, полизчиликда ўзига хос мактаб яратилган. Айни шу йўналишларга берилган эътибор сабабли янги иш ўринлари пайдо бўлмоқда.

«Мирза бобо» фермер хўжалиги даласидан 10 нафар ишсизлар учун ажратилган ер майдонида қовуннинг «Испан» ҳамда «Валет» навлари экилади. Ҳосил махсус техникаларга юкланиб, Россия Федерациясига экспорт қилинади. Бу йил ер эгаларининг ҳар бири камида 30 миллион сўмдан даромад олди.

Тадбиркор Гулноза Халилованинг кооперация асосида иш олиб бораётган тикувчилик мажмуаси иш бошлагач, 10 та янги иш ўринлари яратилди. Айни пайтда цехда ёш болалар ва катталар учун қишки кийимлар тикилиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Пазандалик курси ташкил этилган. Шахзод Сояқулов телефон сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси фаолиятини йўлга қўйди. Ҳоким ёрдамчиси Санжар Куролов унга фаолиятини кенгайтириш учун 10 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратиш бўйича тавсия берди.

Мамаражаб Раҳимов ҳамда Анорбой Хўжаевлар хонадонидagi иссиқхоналарда лимон ҳамда мандарин

кўчатларини парваришlash йўлга қўйилган. Музаффар Болиқулов зотдор қорамоллар сонини ошириш орқали чорвачилик ривожига ҳисса қўшмоқда. Фермернинг чорвачилик комплексида 74 бош «Сментал» зотли чорва моллари боқилмоқда.

Зухриддин Хотамов тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, оиласи билан хонадонидa оёқ кийим ишлаб чиқармоқда. Бунинг учун ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан 60 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Натижада ўн киши иш билан таъминланди. Ҳозирда тадбиркор 10 хил турдаги оёқ кийимлар тайёрламоқда. Хонадонларда тикувчиликка ихтисослаштирилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони ўттиздан ошди.

Ойиста Усмонова қизи Малика Ғозиева билан оилавий тадбиркорликни ташкил этиб, нон маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйган. 2022 йилда узумчиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 45 кишига 31 сотихдан ер берилган эди. Бугун ердан

унумли фойдаланган фуқаролар яхши даромад олишмоқда.

Деҳқонobod кўчасида яшовчи Ўрол Аҳмедов хонадонидa хунармандчилик билан шуғулланади. Бундан ташқари, 20 қути асалари, кооперация усулида жўжа парвариш қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, худудда бекорчи одамни топа олмайсиз.

Ўз навбатида одамлар ҳаракатига ҳамоҳанг тарзда инфратузилма билан боғлиқ муаммолар ҳал этилмоқда. Жорий йил маҳаллий бюджет ҳисобидан 8 км., «Ташаббусли бюджет»дан 2,3 км. масофадаги йўллар асфальтланди. Ҳашар йўли билан 150 метр узунликда ичимлик сув тармоғи тортилди. Оқовасув муаммосини ҳал этиш учун ҳашар йўли билан насос, янги трансформатор ўрнатиб, симёғочлар янгиланди.

2022 йилда «Обод қишлоқ» дастури бўйича худуддаги «Ижтимоий уй», маҳалла идораси замонавий усулда таъмирланди. Давлат-хусусий шерикчилик асосида 150 ўринли боғча ташкил этилди. 13-МТТ, 4-умумтаълим мактаби таъмирланди. Исломобод кўчаси аҳлининг кўп йиллик орзуси ушалиб, 1,1 км. масофадаги кўча асфальтланди.

Сафарбой ИЙГИЛИКОВ,
Дўстлик туманидаги
«Қахрамон» маҳалласи раиси.

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

Кимларга тўлиқсиз иш куни белгиланади?



Бобоёр МИХЛИЕВ,
Фориш туманидаги
«Ойбек маҳалласи раиси:

— Давлат ташкилоти ва хусусий корхоналарда меҳнат қилаётган фуқаролар орасида ногирон, ҳомиладор ва ёш болали аёллар бор. Уларга иш вақтида қандай имтиёз яратилган? Буходимларга тўлиқсиз иш куни бериладими?

Лазиз ҚАРШИЕВ,
Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Иш берувчи бир қатор тоифадаги ходимлар илтимосига кўра, уларга тўлиқсиз иш куни белгиланган мажбур. Жумладан, ҳомиладор аёллар, ўн тўрт ёшгача бўлган бола (ўн олти ёшгача бўлган ногиронлиги бўлган бола) ота-онасидан бири(ота-онанинг ўрнини босувчи шахс)нинг, оиланинг бетоб аъзосини парваришlashни амалга ошираётган шахснинг илтимосига кўра тиббий хулосага биноан шундай тартиб амал қилади.

Қолаверса, ногиронлиги бўлган шахснинг илтимосига кўра (тиббий-ижтимоий эксперт ко-

миссиясининг ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлиқсиз иш вақти режими тўғрисидаги, юкломани камайтириш ҳақидаги ва меҳнатнинг бошқа шарт-шароитлари тўғрисидаги тавсияларида назарда тутилган ҳолларда) ходимга тўлиқсиз иш куни белгиланган назарда тутилган.

Тўлиқсиз иш вақти шартларида ишлаганда ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш у ишлаб берган вақтга мутаносиб равишда ёки у бажарган ишнинг ҳажмига қараб амалга оширилади Тўлиқсиз иш вақти шартларида ишлаш ходимлар учун ҳар йилги асосий меҳнат таътили давомийлигининг, меҳнат стажини ҳисоблаб чиқаришнинг ва бошқа ҳуқуқларининг бирор-бир чекланишларига сабаб бўлмайди.

Баҳодир
СҮЮНОВ,
Фориш
туманидаги
«Дарбоза»
маҳалласи
раиси.



ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Баъзан кутишга сабрим етмайди»

— Маҳалламиз худуди чўл зонаси бўлгани учун 312 нафар фуқаро истиқомат қилади. Аҳоли 89 минг гектардан ортиқ майдонда чорвачилик билан шуғулланади. 54 та фермер хўжалигининг ишни тўғри ташкил этиши, мўмай даромад топиши учун қўлдан келганча ёрдамлашяпмиз.

Бунинг учун, албатта, бугун юртимизда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришлардан хабардор бўлиб бораёпмиз. Баъзан қандай мақолалар чиққанини кутишга сабрим чидамай, биринчи бўлиб ўқийман. «Mahalla» газетаси тизим ҳаётини батафсил ёритгани учун ҳам сентябрь ойидаёқ обуна бўлиб қўйганмиз.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Акбаржон ШАРОПОВ,
Чуст туманидаги «Боло» маҳалласи раиси:

— Маҳаллада бир нечта тадбиркорлик субъектлари фаолият олиб боради. Айтингчи, юридик шахс ўз хоҳишига кўра, тадбиркорлик фаолиятини тугатиш учун Давлат хизматлари марказига ариза берса, солиқ органи тадбиркорлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишмай ёки хабардор қилмасдан текширув ўтказиши мумкинми?

Тугатилаётган корхонада солиқ текшируви ўтказиш мумкинми?

Улуғбек ИНЪОМОВ,
Наманган вилояти давлат солиқ
бошқармаси мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби ҳамда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тадбиркорлик субъектларини давлат реестридан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 21-бандига асосан тугатилаётган тижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги солиқ хизмати рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тизим орқали хабардор қилинган кундан бошлаб, уч иш куни мобайнида тижорат ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга (тафтиш қилишга) киришади. Унинг муддати ўттиз календарь кунидан ошмаслиги керак.

Мазкур асосга кўра, солиқ органи тугатилаётган ташкилотнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони билан тасдиқланган текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли орган хабардор этилади. Рўйхатга асосан юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказилаётган текширувлар ваколатли органи хабардор этиш тартибида ташкил қилинади.

Мазкур асосга кўра, солиқ органи тизим орқали ваколатли органи хабардор этишга мажбур.



Музаффар ҚУШБОҚОВ,
Зарбдор
туманидаги
«Наврўз»
маҳалласи
раиси.

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?

«Mahalla» ва мақсадларимиз муштарак»

— Маҳалламизда истиқомат қиладиган 420 та оиланинг 2 074 нафар аъзоси, асосан, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳаларида фаолият юритади. Мурожаатлар кўпроқ шу йўналишда бўлади. Қолаверса, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларида доим халққа кўмакчимиз.

Зиммамиздаги масъулиятни оқлаш, инсонлар қорига яраш учун тинимсиз ҳаракат ва изланишдамиз. Бу мақсад йўлида «Mahalla» газетаси яқин ҳамроҳимиз. У маҳалла ҳаётидаги барча мавзуларни қамраб олган. Шу боис газетамизга 2024 йил учун ўз ташаббусимиз билан обуна бўлдик.

МАНЗАРА

«Газ тармоғи тикланмаса, совуқ кунда қийналамиз...»

Маҳалламиз туман марказида жойлашган, шунга кўра, тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳалари яқин ривожланган. Жумладан, жорий йилда 62 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган бўлса, уларнинг аксарияти шу тармоқларда банд. Қолаверса, 61 нафар фуқаро имтиёзли кредит асосида ўз бизнесини йўлга қўйди, 10 нафари ўзини ўзи банд қилган.



Маҳаллада ҳар йили тегишли дастурлар асосида инфратузилма билан боғлиқ масалалар ҳал этиб бориляпти. Жумладан, аввалроқ маҳалла ходимлари учун барча шароитга эга бино бунёд этилган. Яқинда маҳалладошимиз Моҳиғул Давлатова стол теннис буйича Наманганда ўтказилган республика турнирида ғолиб бўлгани учун бино ёнида болалар майдончаси — воркаут қуриб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш буйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида 2,2 километр ички йўлларга бетон ётқизилди, 980 метр масофада ичимлик сув тармоғи тортилиб, 500 метр электр линияси янгиланди. Қолаверса, маҳаллий дастурлар асосида 1,5 километр йўл асфальт қилиниб, 1,5 километр масофада пиёдалар йўлакчаси қурилди.

Ҳали олдимизга қўйган режаларимиз кўп. Хусусан, маҳалла ҳудудида энгил машиналар тўхтайдиган автошоҳбекат, тадбиркорлар ташаббуси билан қатор савдо мажмуаларини бунёд этиш кўзда тутилган. Қолаверса, ўн йиллар олдин газ босими пастлиги туфайли маҳалла табиий газдан узиб қўйилган. Барча инфратузилмаси бор, қувурлар жойида, шу боис ҳозирда табиий газ тармоғини ишга туширишга ҳаракат қиляпмиз. Бироқ тегишли ташкилотларга қилган мурожаатларимиз самара бермаяпти. Қиш фаслидан олдин шу масалани ҳал қилиб олсак, аҳоли совуқ кунларда қийналиб қолмасди.

Анвар Жўраев,

Навбахор туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласи раиси.

ФИКР

«Ёш қайнота-қайнонани ўқитмасак, ажралишлар камаймайди»



Маҳалламизда ўзбек, қозоқ, рус, озарбайжон, татар ва қорақалпоқ миллатига мансуб 5 148 нафар аҳоли яшайди. Шаҳар ҳудуди бўлса-да, йиғинда тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, сервис соҳалари билан бирга, чорвачилик ривожланган. Аксарият аҳоли вакиллари айнан шу тармоқларда банд.

Йиғинда тўртта кўча мавжуд бўлиб, жорий йилда Мустақиллик кўчасининг 9 километр қисми тўлиқ ҳамда Амир Темура кўчасининг 5 километр қисми асфальтланди. Қолган икки кўчанинг ички йўллари асфальтлаш маҳаллий дастурга киритилган, 2024 йилда бу лойиҳа амалга оширилади. Кўчаларга 80 фоиз видеокузатув камералари ўрнатилган. «Ташаббусли бюджет» лойиҳаси доирасида 10-умумтаълим мактаби замонавий ҳолатга келтирилди.

Шу ўринда ажралиш буйича айрим фикрларимни баён этмоқчиман. Бугун оилавий ажралишлар маҳаллани энг кўп қийнаётган масалалардан биридир. Биргина мисол, ўтган йили маҳаллада 5 та оила ажрашган бўлса, бу йил яна 4 та

оилага дарз кетди. Бунда уларнинг иккитаси фарзандсизлик сабаб шу йўлни танлаган бўлса, яна иккита ҳолатда эркаклар Россияга кетиб қайтишмаган. Маҳалла ходимлари, имом-хатиб, отинойилар, йиғиндаги тажрибали нуронийлар кўмагида 4 та оилани яраштиришга эришдик. Бунда ҳар икки томон билан алоҳида суҳбатлар қилдик, ёшларнинг фикри билан қизиқдик, масала моҳиятини билишга уриндик. Натижада қайнона-келин, тажрибасиз ёшлар муаммолари ҳал этилди.

Юқоридаги жараёнларда қатор таклифлар туғилди.

Биринчидан, оила қуриш ости-насидаги ёшларни никоҳдан аввал имом-хатиблар, отинойилар уч ойлик ўқув дарсларида ўқитиши зарур. Бунда йигит-қизлар оила, унинг тутуми, эркак ва аёлнинг ўрни, рўзгор юритиш тўғрисида керакли билимларга эга бўлади.

Иккинчидан, ФХДЁ органлари қошида нафақат келин-куёвлар, балки ота-оналар учун бир неча соатлик оила курсларини очиш керак. Боиси айрим ҳолларда ажралишларга ёш қайнота-қайноналар сабаб бўлиб қолаётган вазиятлар учраб турибди.

Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлмай, келин олиб, қиз чиқараётган оилалар билан алоҳида ишлаш керак.

Учинчидан, оила тушунчасини мактабдан бошлаб алоҳида дарс сифатида киритиш мақсадга мувофиқ. Шунда болалар ёшлик чоғиданоқ оиланинг муқаддаслигини, унга пу-тур етказиш ўнглаб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англаб улғаяди.

Тўртинчидан, ахлоқий жиҳатдан ўзбек менталитетига тўғри келмайдиган кўрсатувлар, телесериал ҳамда кинофильмларни эфирга узатмаслик лозим. Тўғри, ҳозирда хориж сериаллари камайган, бироқ уларнинг ўрнига эфирга узатилаётган айрим миллий сериалларимизни оила даврасида кўриб бўлмай қолди. Уларда тарғиб қилинаётган «эркинлик», ёлғизлик, истаган нарчасини қилишга бўлган мойиллик оилалар дарз кетишига сабаб бўлаётгани бор гап. Шундай экан, ўзбекчиликка хос бўлган дастурларни кўпайтириш керак.

Акмал ТУРДИЕВ,
Учкудук туманидаги
«Мустақиллик» маҳалласи раиси.

ИМКОНИАТ

100 миллион сўмгача микроқарз берилади

Эмин ЖУМАЕВ,
Ғазгон шаҳридаги
«Гулистон» маҳалласи раиси:

— Аҳоли бандлигини таъминлашда имтиёзли кредит ва субсидия билан бир қаторда, қисқа фурсатга бериладиган ва кам фоизли микроқарз муҳим аҳамият касб этапти. Бугунгача бундай турдаги кредит 50 миллион сўмгача берилётган ва айрим ҳолларда бу миқдор белгиланган режани амалга оширишга етмай қолаётганди. Айтишларича, эндиликда 100 миллион сўмгача микроқарз олиш мумкин экан. Шу тўғрими?

Акмал НАЗАРОВ,
Марказий банкнинг Жамоатчилик
билан алоқалар ва коммуникацион
сиёсат департаменти директори:

— Президентнинг 2023 йил 10 ноябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда микромолия хизматларининг ўрни ва улушини ошириш буйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, 2024-2026 йилларда микромолиялаш бозори ҳажмини камида 5 баробарга ошириш, расмий даромадга эга бўлмаган 500 мингга яқин шахсни ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашиш кўзда тутилган.

Бунинг учун 2024 йил 1 январдан микроқарзнинг энг юқори миқдори 50 миллион сўмдан 100 миллион сўмгача оширилади. Нобанк кредит ташкилотлари акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил

этилади. Шу билан бирга, микромолия ташкилотлари юридик шахсларга хорижий валютада молиявий хизматлар кўрсатишига рухсат берилади. 2024 йил 1 январгача микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатишнинг норматив-ҳуқуқий базаси ишлаб чиқилади.

Микромолия ташкилотлари тегишли лицензия олган ҳолда тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан нобанк кредит ташкилотининг устав капиталидаги улушга эгаллик қилиш учун Марказий банк дастлабки рухсатномасини олиш талаби қонунчиликда белгиланган 10 фоизлик улушни 20 фоизга ошириш орқали юмшатилади. 2024 йил 1 апрелгача микромолия хизматлари соҳасига ихтисослашган янги микромолия ташкилоти ташкил этилади.

ТУРИЗМ

Тарих ва анъана туташган маскан

Фелон қишлоғи Ўзбекистоннинг энг баланд тоғ чўққиси Ҳазрати Султон тоғининг шимоли-шарқий қисмида, туман марказидан қарийб 100 километр олисда, ер сатҳидан 2 250 метр баландликда жойлашган ва ҳар томондан тоғлар билан ўралган. Худуд аҳолиси, асосан, тожик миллатига мансуб бўлиб, 5 200 нафардан зиёдни ташкил этади.

Қишлоқдагилар чорвачилик ва деҳқончилик ортидан кун кўришади. Меҳнатда чиникқан аҳолининг ўртача умр кўриши 80-90 ёш бўлиб, қишлоқда 100 ёшдан ошган дуоғўй момо-боболар борки, уларнинг бардамлигини кўриб, кексаликни тан олмаётган соғлом вужудларига ҳавас қиласиз. Айнан уларнинг ҳаётий тажрибаси, жонқуярлиги сабаб қишлоқда 5-6 йилдан буён умуман оилавий ажралиш қайд этилмаган. Бу жиҳатга Президент Шавкат Мирзиёев эътибор қаратиб, «бундай ижобий тажрибани бутун эл-юртимизга ибрат қилиб кўрсатсак, албатта, арзийди» деган эди.

Худудда уйларнинг қурилиши нуқтаи назаридан қадимий услуб сақланиб қолган. Тор кўчалар, мўъжазгина эшикчадан кириб бориладиган ва умумий ҳовлига қараган уйчалар қишлоққа экзотик муҳит бағишлаб туради. Шу билан бирга, қиш фаслида қалин қор ёққани учун уйлар баланд ва мустаҳкам қилиб қурилади.

Фелон муҳити ўзига хослиги, табиийлиги, қолаверса, меҳмондўстлиги, архитектураси билан сайёҳларни оҳанрабодек тортиб келмоқда. Худуд анча қадимий анъаналарга эгаллиги, хусусан, худуднинг ўзига хос чолғу асбоблари, хунармандчилик тарихи борлиги боис қишлоққа деярли ҳар куни сайёҳлар келиб, томоша қилишади.

Қишлоқ тарихи ҳақида сўз кетганда, яқинда худудда тарихий қоятош суратлари аниқланди. Расмлар силлиқ, сатҳи текис қоятошлар юзасида, тош, жез, темир, пўлат ёки бошқа хилдаги қаттиқ буюмлар ёрдамида уриб-чўкчилаб, моҳирлик билан чизилган. Дастлабки кузатишлар натижасида жами 23 та қоятошда 300 тадан ортиқ сурат аниқланди. Бу расм-

ларда одамлар, ҳайвонлар, ўқ-ёйлар, турли хил геометрик белгилар акс этган.

Олис тоғ худуди бўлгани боис электр таъминотида узиллишлар бўлиши табиий. Шу боис аҳолининг ўзи ўрнатган мини-ГЭСлар кўплаб хонадонларга электр токи улашади. Бунда тоғдан оқиб тушаётган сувдан электр ишлаб чиқарилади. Ҳатто қишлоқдаги тегирмон ҳам сув билан ишлайди. Бу ерда асосий улов – мотоцикл. Ёқилғи сарфи кам, тоғли йўлларда муаммосиз ҳаракатланиш мумкин. Шунинг учун фелонликларнинг ҳар бир хонадони бир эмас, бир нечталаб мотоцикллардан фойдаланади.

Жорий йилда қишлоққа келиб-кетувчиларга қулайлик яратиш мақсадида Президент ташаббуси билан 2 километрдан зиёд ички йўллар асфальтлаштирилди. Ҳозирда «Фелон – Мунаввар – Ҳисорак» автомобиль йўлининг 24 километр қисмини жорий таъмирлаш ишлари олиб бориляпти. Лойиҳа бўйича марказий йўллар кенгайтирилиб, асфальт қопламалари ётқизилади, пиёдалар йўлаги қурилади, шунингдек, бетон новлар ва ёритиш устунлари ўрнатилади.

Умуман олганда, Фелонни «туризм қишлоғи»га айлантириш бўйича режа тузганмиз. Йўл инфратузилмаси яхшилангач, хизмат кўрсатиш, сервис, овқатланиш шохобчалари фаолияти кенгайтирилади. Оилавий меҳмон уйлари ташкил этилиб, агро, экстремал, этнотуризм салоҳияти оширилади. Худудга келган киши фақат шу қишлоққагина хос бўлган овқатлар билан таомланишига шароит яратилади.

Сафармурод ЖАББОРОВ,
Шахрисабз туманидаги
«Фелон» маҳалласи раиси.



ҲОЛАТ

Ходим эҳтиёжманд аҳоли тоифасига кирса...

Баҳодир БАКИРОВ,
Миришкор туманидаги «Гулбод» маҳалласи раиси:

– Маҳалладошимиз пенсионер, оиланинг ягона боқувчиси, шу билан бирга, фарзанди иккинчи гуруҳ ногирони. Уни болаликдан парвартишлайди. Яқинда узрли сабабга кўра ишга белгиланган вақтдан 25-30 минут кеч борибди. Иш берувчи уни 0,75 ставкага ўтказишни билдирибди. Шу тўғрими? Умуман, ходим аҳолининг эҳтиёжманд тоифасига кирса, унга қандайдир енгиликлар бериладими?



Елена ҲИКМАТОВА,
«Норма» эксперти, ҳуқуқшунос:

– Меҳнат кодексининг 96-моддасига кўра, ногиронлиги бўлган болалари бор ёлғиз ота-она аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифасига киритилади. Мазкур ҳолатда боланинг ёши катта аҳамиятга эга. Хусусан:

а) агар ногиронлиги бўлган бола 16 ёшдан кичик бўлса, иш берувчи ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш кунини белгилаши шарт. Ойига қўшимча бир дам олиш куни берилиб, давлат ижтимоий сўғурта маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдоридан нафақа тўланади. Ўн тўрт ёшга тўлган битта ва ундан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани) тарбиялаётган ёлғиз ота-онага (никоҳдан

ажрашганларга, ёлғиз оналарга) ва мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг аёлларига йиллик меҳнат таътиллари, уларнинг хоҳишига кўра, улар учун қулай бўлган вақтда тақдим этилади. Шунингдек, ҳар йили давомийлиги камида тўрт календарь кун бўлган ҳақ тўланадиган, иш ҳақи сақланмаган ҳолда давомийлиги камида ўн тўрт календарь кун бўлган таътил берилади.

б) агар ногиронлиги бўлган бола 16 ёшдан катта бўлса, ходим касал оила аъзосига ғамхўрлик қилаётган шахс ҳисобланади. Бундай ҳолда ходим тиббий хулосани тақдим этиш орқали, унинг хоҳишига кўра, тўлиқсиз иш кунини белгиланиши талаб қилиши мумкин. Юқорида санаб ўтилган бошқа имтиёзлар ходимга татбиқ қилинмайди. Ходимнинг ёши ва

унинг пенсионер экани ҳеч қандай имтиёзлар ва афзалликларга таъсир қилмайди.

0,75 ставкага ўтказиш мумкинми? Агар ушбу ўтказиш ходимнинг илтимосига кўра амалга оширилган бўлса, бу қонуний равишда ҳал қилинган «тўлиқсиз иш вақти» бўлар эди. Агар ходим уни тўлиқсиз иш вақтига ўтказишни сўрамаган ва корхонада технологик ўзгаришлар, штат қисқариши бўлмаган бўлса, ходимни мажбурий тарзда 0,75 ставкага ўтказиш ноқонуний ҳисобланади. Бироқ ҳар қандай тоифадаги ходим корхонада белгиланган ички меҳнат тартиби қоидалари ва меҳнат интизомига риоя қилишга мажбур. Меҳнат интизومي бузилса, иш берувчи танбех, жарима ёки меҳнат шартномасини бекор қилишга бўлган интизомий жазо қўллаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ,
Рустам ЮСУПОВ

Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газета

МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишилган нархда.
Наشر кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчамлари — А3, 4 босма табоқ.
7 840 нускада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1118
Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

